Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
Мушарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 26-mart, №15 (573)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Дунёдаги энг гўзал **севги достони**

Зарифа, — деб гап бошлади у. —Бобурнинг ўғли Ҳумоюн қаттиқ хасталанганда, Бобур ўғли атрофидан уч марта айланган ва Тангрига ялинган, «Ўғлимнинг хасталигини менга бер! Унга саломатлик ато қил!» деган. Мен ҳам шу топда хасталигингни ўзим олиб, сенинг соғ бўлишингни ихлос ила тиладим...

⇨ 4, 8-бетлар

Жазога муносиб... қизиқиш



Маълум бўлишича, Америка ташқи сиёсат маҳкамаси консуллик бўлимида шартнома асосида хизмат қилувчи уч нафар ходим президентликка номзодлар Барак Обама, Жон Маккейн ва Ҳиллари Клинтоннинг шахсий маълумотлар архивига кирганлар...

⇨ 5-бет

"Сўзимдан **англа ўзимни"**

Шубҳасиз, Шарқ осмонининг порлоқ юлдузларидан бири, Соҳибқироннинг тўғридан-тўғри зурриёди Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва авлодлари таржимаи ҳолида шавкатли бобокалонларининг шукуҳи акс этмаслиги мумкин эмас эди. "Бобурнома"да муаллиф фахр билан "Темурия салотини дастури била тўшак устида (яъни тахтда) ўлтурур эдим", деб ёзганди...

⇨ 6-бет

Чоршанбадан **чоршанбагача**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 март куни Оқсаройда Саудия Арабистони Подшоҳлиги шаҳзодаси Ал-Валид бин Талол бин Абдулазиз Ол Саудни қабул қилди.

"General Motors Uzbekistan" қўшма корхонаси "Ўзэкспомарказ"да кенг жамоатчилик эътиборига "Nexia"нинг янги моделини ҳавола этди. Бу машина юртимизда ўн икки йил давомида ишлаб чиқарилмоқда. Энди эса "Nexia"нинг такомиллантирилган янги модели шоҳсупадан ўрин олди.

2008 йил 27 март куни эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлиси очилади.

26-27 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар орасида ўтказиладиган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг якунний, республика босқичи бўлиб ўтади.

Тошкентда Соҳавий ривожланиш бўйича эксперт кенгаши "Ўзбекистон транспорти ва логистикаси: ривожланиш борасидаги тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида бизнес-форум ўтказди.

Кеча "Ўзэкспомарказ"да "Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш ва ускуналар – WorldFood Uzbekistan 2008" ва "Қишлоқ хўжалиги – AgroWorld Uzbekistan 2008" халқаро Ўзбекистон кўргазмалари очилди.

Пойтахтимизда "Педиатриянинг долзарб муаммолари: фан ва амалиёт" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

2008 йилнинг 2-3 апрель кунлари «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкентдаги Британия Кенгаши билан ҳамкорликда «Бизнес самарадорлигини ошириш дастури» мавзусида икки кунлик семинар ўтказишни режалаштирмоқда.

Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, биз ўз ёруғ келажагимизни аввалambор ёш оилалар, ёш авлод тимсолида кўрамиз.

Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз.

(Президент Ислом Каримовнинг шу йил 21 март куни Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзидан.)

Муҳаммад Амин олган суратлар.

ШУКУҲ

Яшариш ва ёшлик айёми

Янгиланиш ва яшариш айёми бўлмиш — Наврўз юртимизнинг ҳар бир гўшасида шоду хуррамлик ила тантана қилинмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ҳам баҳорий айём ҳар йилгидек зўр шодиёнага айланиб кетди. Талабалар Наврўзни ўзгача кўтаринкилик, хуш кайфият билан қарши олдилар. Байрам муносабати билан шаҳарчада "Ёшлик сайли" тадбирлари ташкил этилди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ва турли таълим йўналишларида таҳсил олаётган ёшлар байрамни бир оила фарзандларидек нишонладилар.

Ёшлар шаҳарчасида санъат усталари иштирокида катта концерт дастури ва театрлаштирилган томошалар уюштирилди. Саҳна томошаларида иқтидорли талабалар ҳам ўз чиқишлари билан иштирок этдилар.

Охирги йилларда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида улкан бунёдкорлик ишлар олиб борилди. Жумладан, талабалар турар жойлари таниб бўлмас даражада ўзгарди, шаҳардаги кўча ва хиёбонлар гўзал қиёфа касб этди. Яшариш ва ёшлик айёми кунларида ҳам талабалар маскани баҳорий либосга бурканди.

Баҳорий айём асрлар давомида шаклланган халқ ўйинлари, бетакрор миллий удумлар ва анъаналар билан қадрлидир.

Шаҳарчадаги замонавий спорт-соғломлаштириш мажмуаларида спортнинг теннис, арқон тортиш, кураш, армрестлинг, шахмат, шашка ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Спорт биринчиликлари халқ ўйинларига уланиб кетди. Байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун ёшлар ўртасида "Наврўзга бағишланган энг яхши деворий газета", "Энг пазанда гуруҳ" каби танловлар ҳам уюштирилди.

Ёшлар иштирокида Наврўз таомлари — сумалак, кўк сомса, кўк чучвара тайёрланди, дастурхонлар баҳорий неъматлар ила файзга тўлди.

Мустақил юртимизнинг истиқболи порлоқ ёшлари баҳорий айёмни ана шундай унутилмас ва ёрқин хотиралар ила кутиб олишмоқда. Зеро, халқимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўз ҳар бир юртдошимизнинг қалбига баҳор чечаклари каби ажиб ифорлар, чексиз қувончу шодликлар улашмоқда.

Янги кун, янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг фазлу таровати юртимиздаги ҳар бир кексаю ёшнинг дилини нурафшон этди. Муқаддас она заминимизга ташриф буюрган баҳор қувончлари, айём шукуҳи давом этмоқда.

ЖАВОБ

Тегишли чоралар кўрилмоқда

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 30 январь сонида "Йўл бўлсин, йўловчи?" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш соҳасидаги баъзи камчиликлар ҳақида сўз юритилганди. Шундан сўнг таҳририятимизга айни мавзу бўйича республикамизнинг турли ҳудудларидан хатлар кела бошлади. Ана шундай мактублардан айримлари — Сурхондарё, Навоий ва Андижон вилоятларидан келган муносабатлар газетамизнинг жорий йилдаги 13 февраль сонида эълон қилинди.

Андижон вилоят прокуратурасининг жавобини эса «Ҳуррият»нинг ўтган сонида ўқиган бўлсангиз керак. Куни кеча Навоий вилоят прокуратурасидан ҳам шу мавзуга оид хат олдик. Унда вилоятнинг тегишли ташкилотлари мақолада келтирилган масалалар юзасидан бир қатор ишларни амалга оширгани ҳақида айтилади. Жумладан, жавоб хатида шундай дейилади: **«Жорий йилнинг 28 февраль ва 5 март кунлари вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи уюшмалар раҳбарларига мақола ўқиб эшиттирилиб, уюшмага аъзо ҳайдовчиларнинг муомала маданиятини яхшилаш, автомашинани бошқариш тажрибасини ошириб бориш, кунлик тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил қилиш ва йўл варақаларининг ўз вақтида бериб борилиши юзасидан тегишли чоратадбирлар белгилаб олинган».**

Вилоят прокурори Б.Жамолов имзоси билан келган хатда таъкидланишича, вилоят прокуратураси, туман ва шаҳар прокурорлари томонидан тузилган ишчи гуруҳ жорий йилнинг 4–13 март кунлари ўтказган тадбирларда соҳада жами 220 та қоидабузарлик аниқланган. Шундан 106 та транспорт воситаси тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз), 31 таси йўл варақасисиз, 43 таси мажбурий техник кўрикдан ўтмасдан, 27 таси техник носоз ҳолда, 11 таси махсус йўналиш чизмаси мавжуд бўлмаган ҳолда аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатаётгани, 2 та транспорт воситасида рухсатсиз табиий газ мосламаси ўрнатилгани аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

«Вилоятда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан жорий йилнинг февраль ойида 67 млн. 352 минг сўм нақд пул тушуми амалга оширилган бўлса, бу кўрсаткич ўтказилган тадбирлар натижасида март ойининг 13 куни давомида 84 млн. 389 минг сўмни ташкил қилган. Ўтган ойдагига қараганда 17 млн. сўм ортиқча нақд пул тушуми туширилишига эришилган».

Газетамизда эълон қилинган долзарб мавзудаги мақолаларга жамоатчилик ва мутасаддиларнинг муносабат билдириши, беэътибор эмасликлари, очиғи, ибратлидир. Аммо юртимизнинг бошқа минтақаларида ҳам айни муаммолар йўқ деб бўлмайди. Шубҳасизки, бундай муаммоларга барҳам бериш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида муштарийларимиздан ҳам хат-хабарлар кутамиз.

ТАҲРИРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Т.И.Жўраевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102- моддаларига мувофиқ:

Туробжон Икромович Жўраев Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А.Х.Эшмуротовни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102- моддаларига мувофиқ:

Абдулҳаким Хушбоқович Эшмуротов Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 март

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йилнинг 25 март куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари аввало Сурхондарё вилоятида кейинги йиллар мобайнида эришган ижтимоий-иқтисодий натижалар ҳақида тўхталиб, 2007 йил якунига кўра, бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоизга ўсгани, жумладан, саноат маҳсулотлари 10,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2,3 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ошганини таъкидлади.

Айниқса, халқимиз бунёдкорлик қудратининг амалий намоёни бўлган йирик коммуникация иншооти — Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши янги имкониятлар ва уфқлар очилгани эътироф этилди.

Лекин вилоятда вужудга келган умумий аҳволни таҳлил қилиб, холисона баҳо берадиган бўлсак, бу ердаги ислоҳотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари барчамизни қониқтирмаслиги табиийдир, — деди Юртбошимиз ва мажлис иштирокчилари эътиборини кўплаб масалаларга қаратди.

Мисол учун, саноат соҳасидаги аҳволни оладиган бўлсак, кўпгина жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Бу ҳақда гапирганда, вилоят учун ўта муҳим бўлган, хомашёни қайта ишлашга қаратилган ишлаб чиқариш соҳалари, хусусан, енгил саноат корхоналарини ривожлантириш масаласида ўзгариш сезилмаётганини қайд этиш лозим.

Биргина мисол. Аксарият вилоятларда пиллани қайта ишлаш масаласи тўлиқ ҳал этилган бир пайтда Сурхон воҳасида етиштирилаётган 1200 тонна пилла хомашёси умуман қайта ишланмаётганига нима деса бўлади?

Юртбошимиз ўз маърузасида вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида йўл қўйилаётган жиддий хатокамчиликларга алоҳида тўхталдилар.

— Ана шундай хато ва камчиликлар туфайли ўтган йили Қизириқ (83,5 фоиз), Ангор (87,1 фоиз), Термиз (92 фоиз), Жарқўрғон (92,8 фоиз) ва Бандихон (94,2 фоиз) туманларида пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмасдан қолиб, деҳқонларимизнинг пешона тери тўкиб қилган меҳнатига яраша даромад ололмаганини қандай баҳолаш мумкин?,–деди мамлакат раҳбари.

Президентимиз ўз нутқида Сурхондарё вилоятида долзарб аҳамиятга эга бўлган ижтимоий масалаларни ечиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, кейинги йилларда бу борада бирмунча ишлар қилинганини эътироф этган ҳолда, ҳали ушбу соҳада кўплаб камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги, улар аҳолининг ҳақли эътироз ва норозилигини уйғотаётганини таъкидлади.

Сессияда вилоятда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдек ўта муҳим масалада кейинги пайтда бир қатор камчиликлар кўзга ташланаётгани ҳам танқид қилинди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Эшмуротов Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан вилоят фаоллари, ёшлар барча соҳа ва тармоқларда ишни Президентимиз нутқида билдирилган танқидий фикрлар, таклиф ва хулосалар асосида ташкил этган ҳолда, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, бор куч ва имкониятларни ана шу эзгу мақсад йўлида сафарбар этиш зарурлигини таъкидладилар.

ЎзА ахбороти асосида тайёрланди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Бугуннинг **нафаси**

✓ Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош шаҳрида 32 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Бу йил республикада 104 та ёш оилани ана шундай турар жой билан таъминлаш мўлжалланмоқда.
Қўқон шаҳрида ҳам ёш оилалар учун 64 хонадонга мўлжалланган икки турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда бир миллиард сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бажарилди.

✓ **Бухоро вилояти Шофиркон туманида "Шофиркон-Диватекс" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси иш бошлади. Тикувчиликка ихтисослашган корхонада айни пайтда Россиядан олинган катта миқдордаги буюртма бажарилмоқда. 150 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган қўшма корхонада йил охиригача 400 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланянти.**

✓ Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда элликка яқин корхона ва ташкилот, тиббий ва таълим муассасалари қарийб 400 бўш иш жойи билан иштирок этди. Ярмарка туфайли 124 талабгор муқим иш жойига эга бўлди.

✓ **Паркент туманидаги "Навбаҳор" агрофирмаси ҳудудида токзорларни турли зараркунандалардан асрашга мўлжалланган янги биолаборатория ишга туширилди. У қўшни туманлардаги соҳибкорларга ҳам хизмат кўрсатади.**

✓ Марғилон шаҳридаги Жаҳон отин Увайсий уй-музейида "Марғилон мушоираси" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

✓ **Избоскан тумани марказида «Тагус Текстиль» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Корхона йилига 3100 тонна калава ип ва минг тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона ишга тушгач, 100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилади.**

✓ Самарқанд вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида "Ижодкор-ихтирочи" кўрик-танлови ҳамда "Варраклар байрами" мусобақаси бўлиб ўтди.

Дилфуза МАМАТОВА

ОГОҲЛИК

Бахтимиз **безавол бўлсин**

Наргиза "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Жондор тумани кенгашида иш бошлаганига бир йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Иши ўзига ёқади. Чунки ёшлар билан ишлаш жону дили.

Тўғри-да, эсини танибдики ёшлар ташкилотида ишлайди. Мактабни тамомлагач, Бухоро давлат университетига ўқишга кирди. Камолотчи эмасми, дарҳол ҳаракат фаолиятига шўнғиб кетди. Жамоат ишларида фаол иштирок эта бошлади. Учинчи курсдан бошлаб ўзи ўқиб турган факультетга етакчилик қилди. Олий ўқув юртида таҳсил олиш билан бирга, бир қанча маънавий-маърифий тадбирларни ўтказди. Айниқса, жамиятимиз мафкураси бўлган миллий ғоянинг моҳиятини чуқур ўрганишга интилди. "Бунёдкор ғоялар" клубини ташкил қилди. Бу клубга тенгдошларини жалб этди. Клуб жамиятимиз ҳаётига доир масалалар, Юртбошимиз олиб бораётган ислоҳотлар моҳиятини ўрганишда ўз тенгдошларига кўмак берарди. Талабалик даври жўшқин ва қизғин жараёнлар билан ўтди.

Ҳаёт — оқар дарё. Наргизанинг талабалик олтин даври оқар сувдек тезда оқди, кетди. Уйига совчилар келди. Ҳунарманд йигитга турмушга чиқди. Турмуш ўртоғи олий маълумотга эга бўлмаса-да, ўз ишининг устаси. Шу зайл ширин ва осуда ҳаёти бошланди. Орадан бир йил ўтиб, фарзандли бўлишди. Қишлоқдан туман марказига кўчиб ўтишди. Ёш оила бўлгани учун рўзғорда бироз етишмовчилик бўлса-да, бироқ чин маънода бахтли яшарди.

Аммо... кунлардан бир кун уйининг кўча эшигини кимдир тақиллатди. Наргиза эшикни очиб қараса, бир йигит турарди. Кўзларини ола-зарак қилиб, орқа олдига бир қаради-да, турмуш ўртоғининг номини айтиб,

– Озодларнинг уйими? — деди.

– Ҳа, шундай.

– Мен Озод билан ҳарбий хизматда бирга бўлганман. Хизматдош ўртоғиман.

Келган кимсанинг турқи-таровати бироз ёқмаган бўлса-да, Наргиза Озодга телефон қилди. Меҳмон келганини айтди. Орадан чой қайнагунга қадар вақт ўтар-ўтмас турмуш ўртоғи етиб келди. Улар анча хўшлашиб кўришишди. Наргиза дастурхон безади. Кечга ош дамлади. Икки хизматдош анча мириқиб суҳбатлашишди.

Бу ҳол самимий, дўстона муносабатдек оддий туюлса-да, бироқ Наргизада меҳмон қандайдир шубҳа уйғотарди. Ички бир сезги саросимага соларди. Меҳмоннинг қарашлари ҳам бежо эди.

Кечки овқатдан сўнг меҳмон кутилмаганда:

– Келин, ўртоғимни, бир муддатга олиб кетаман, — деди.

– Қаерга? — савол берди ҳайрон бўлиб Наргиза.

– Четга... Қарасам аҳволларинг ўзига яраша. Яхши пул тўлайдиган иш топгандим, шерик керак. У ерда бир йил ишласа, анча ўзларингни тиклаб оласизлар. Озод қўли гул йигит, устига устак меҳнаткаш.

Содда ва кўнгилчан турмуш ўртоғининг чеҳрасидан розилик аломати кўринарди. Наргиза ҳам сир бой бермади. Бироқ ичидаги шубҳа янада ортди.

Ётишдан олдин эридан меҳмоннинг қаерданлиги, исми, нима билан шуғулланиши ва бошқа маълумотларни суриштириб сўраб олди.

Эрталаб нонуштадан сўнг турмуш ўртоғига:

– Дўстингизни қишлоққа олиб боринг, онангиз билан таништиринг. Бир қишлоқ манзараларини кўриб қайтсинлар, — деди. Бу гап меҳмонга маъқул тушмагандай бўлиб,

– Озод, вақтим зиқроқ, Ромитандан Салимни, кейин Ғиждувонга бориб Ашурни олишимиз керак. Уларни телефонда огоҳлантириб қўйганман, — деди. Салим билан Ашур деган йигитлар ҳам уларга хизматдош экан.

Аммо Наргизанинг қистови билан эри қўярда-қўймай меҳмонни қишлоққа олиб кетди.

Улар жўнаб кетишгач, Наргиза маҳалла идорасига чиқди. Маҳалла оқсоқоли ва профилактика нозирига бўлиб ўтган воқеани айтди. Маълумотларни олгач, унга уйда кутиб туришни тайинлаб, нозир туман ички ишлар бўлимига йўл олди.

Орадан бир-икки соатлар вақт ўтди. Эшик олдига машина келиб тўхтади. Чиқиб қараса, эшик олдида ички ишлар ходимлари турар эди. Маҳалла нозири пешонасидаги терни дастрўмоли билан артар экан:

— Келин, шубҳангиз тўғри чиқди. Уйингизга келган меҳмон қатор жиноий ишлари учун қидирувда бўлган шахс экан, — деди.

Ички ишлар ходимларининг бир гуруҳи жиноятчининг изидан қишлоққа йўл олди, бошқа гуруҳ уни уйда пойлади.

Орадан кўп ўтмай Озод қайтиб келди. Бўлиб ўтган воқеани эшитиб, ёқасини тутди. Хизматдошини шоҳбекатга борганда кўздан қочирганини ва зимдан йўқ бўлиб қолганини айтди...

Орадан икки кун ўтгач, туман ички ишлар бўлимидан ходимлар келиб жиноятчи қўлга тушганини айтиб, Наргизага огоҳлиги ва хушёрлиги учун минатдорчилик билдиришди.

Ушбу воқеани ўйлар экан, Наргиза ўз оиласини, фарзандини, ўз бахтини асраб қолганини ҳис этди...

Баҳодиржон МИРЗАОЛИМОВ

Фарғона вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар ҳудудий бошқармаси жамоаси

Мустақил Ўзбекистонимиз халқини, барча таълим ходимларини муборак айём — Наврўзи олам билан қизғин табриклайди.

Қувонч ва омад ҳеч қачон Сизни тарк этмасин!

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС

БАДНАФСЛИК

ёхуд қимматга тушган текин даромад

Бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган Хамида негадир безовта эди. Шунданми, «Иноят-инвест» масъулияти чекланган жамият ҳудудини кўздан кечирди. Автомобилларнинг газ қуйиш компрессорига уланган қувур жойлашган ерда тўхтаб ниманидир чамалай бошлади. Қувурга авария ҳолати учун ўрнатилган бойпас ёпқичини у ёқ-бу ёғини қараб кўрди-ю, излаган нарсасини топгандай бўлди.

«Ҳисоблагичдан ўтган газнинг ўлчови бор, — ўйлади у, шуни ҳисоблагичга етмасдан туриб олишнинг бир йўлини топиш керак-да. Бойпас ёпқичи кўздан панада, қувурнинг шу еридан «қайнар хумча» очиб бўлмасмикин?..»

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний шаҳрида туғилган Хамида Аметова 2003 йилнинг июнь ойидан Урганч туманидаги мазкур жамиятда бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган эди. Уч-тўрт йил ичида ҳамма нарсани миридан-сиригача биладиган, ишда ҳам энди анча тажрибали бўлиб қолганига шубҳа қилмасди. Бош ҳисобчи бўлгани боис ҳамма нарсани ҳисоб-китоби ўзимда-ку, деб ўйларди у. Фақат шу газ тушмагурни «сув текин» қилиб қўйишнинг иложини топса бас. Х.Аметова жамият чилангари Икром Қадамов (Урганч туманидан), операторлар Айбек Хидирбаев, Зайр Ержановлар (иккаласи ҳам Беруний шаҳридан) билан маслаҳатни бир жойга қўймоқчи бўлиб, уларга сўз очди.

Икром Қадамов бу гапни эшитиб тешик очиш усуллари борлигини, бирор устахонада буни амалга ошириш мумкинлигини айтиб қолди. Хуллас, тузуккина ишлаб юрган бу ҳодимлар тез орада қинғир ишнинг устасига айланди-қўйди. Текин даромад илинжида ўзаро тил бириктирган «устамон»ларга бойпас ёпғичи «ёпиғлиқ қозон» бўлиб кўринди чоғи, унда ҳисоблагич билан ҳисоблашиб ўтирмайдиган иккита тешикча пайдо бўлди. Қарабсизки, 2006 йил декабридан шу йилнинг 19 мартигача ҳар бири 20 мм. катталикдаги «ўғри тешикча»лар орқали нархи 408 минг 700 куб метр табиий газни «сув текин» ўмаришди. Яъни давлат мулки бўлган 77 миллион 653 минг сўмлик ёқилғи маҳсулотини биргаликда талон-торож қилдилар. Операторлар А.Хидирбаев, З.Ержановларнинг ҳам қўли-қўлига тегмасди. Албатта, улар бу хатти-ҳаракатлари қонунга зид эканлигини билишарди, лекин текин даромад истаги, нафс уларнинг кўзига парда тортгандай эди. Х.Аметова бош ҳисобчи сифатидаги ишларни ўлда-жўлда қилишга одатланди. Айтайлик, бош ҳисобчи давлатга тўланадиган ягона солиқ ҳиссасига бўлган 8 миллион 100 минг 900 сўм, жисмоний шахсларнинг транспортларига сарфланган газ истеъмол солиғидан 22 миллион 350 минг сўм, жами 30 миллион 450 минг 900 сўмлик солиқларни ўз вақтида тўлашдан қочиб, давлатга кўп микдорда зарар етказди. Бунинг устига 2006 йил декабрь ойидан жамиятда текширув бошланган кунгача, яъни 2007 йил 4 апрелга қадар жамият ишчиларининг 2.556.500 сўмлик иш ҳақларини тарқатишни ҳам «унутиб» юборди. Дарвоқе, Хамида оилали — икки нафар фарзаднинг онаси, ойлик маошларнинг вақтида олиниши оила учун нақадар муҳимлигини яхши тушунади. Қолаверса, бу иш унинг хизмат масъулиятига киради.

Қинғир ишларга машғул бўлиб қолган бош ҳисобчини на давлатга етказилаётган зарар, на бошқаларнинг ўз маошини ололмай сарсон бўлаётгани ташвишга солмади. Таассуфланарлиси шундаки, айбдорларнинг бирортаси газ билан боғлиқ бу ноқонуний ҳолат ҳақида мутасадди кишилар ёки тегишли жойларга айтиб, ўз вақтида бунга чек қўйилишига ҳаракат қилмади. Аксинча, иш хамиридан қил суғургандай кетаётганидан бамайлихотир эдилар.

Лекин кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, кўп ўтмай жиноятчиларнинг қилмишлари фош бўлди, оқибатини ўйламай босилган қадам уларни суднинг қора курсисига етаклади. Судда бу ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг сабаблари сўралганда И.Қадамов мазкур жамият директори И.Машарипов газ қувурига ўрнатилган кран ёпғичида тешикча очиб, шу орқали газдан фойдаланиш мумкинлигини айтгани, унинг кўрсатмаси билан бундай ишга қўл урилгани, А.Хидирбаев ва З.Ержановлар сотилган газга нисбатан пул тушуми кўпроқ бўлиб, ортиқча пулларни жамият директорига топшириб келганларини айтишди. Эмишки, директор бу пулларга жамият учун зарур нарсалар харид қилишини айтган. Судда етарли асосларга эга бўлмаган бу важлар рад этилди.

Суд Х.Аметова, И.Қадамов, А.Хидирбаев ва З.Ержановларнинг жиноий қилмишларини мансаб мавқеларидан фойдаланган ҳолда содир этганликларини қайд қилиб, жиноят кодексининг 45-моддасига асосан зарур жазо чораларини қўллади. Ушбу ҳолат бўйича судланувчи шахслардан давлат фойдасига 77 миллион 653 минг сўмлик зарар ва 30 миллион 450 минг сўмлик тўлов ундириб олинди.

Шу билан бирга Х.Аметова энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари микдорида, И.Қадамов, А.Хидирбаев, З.Ержановларнинг ҳар бирики энг кам иш ҳақининг 150 баравари микдорида жаримага тортилди. Судлов ҳайъати «Иноят-Инвест» МЧЖ томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келинганлиги учун корхонадан талон-торож этилган сумманинг 10 баравари, яъни 776 миллион 530 минг сўм микдорида молиявий жарима ундиришни лозим топди. Хоразм вилоят МХХ бошқармаси депозит ҳисобида сақланиб турган 77.653.000 сўмлик маблағ давлат ҳисобига ўтказилди.



Мусаввир: Жаҳонгир Мирзо

Қинғир йўллар билан осонгина даромад топиш пайига тушган, ўзига ишониб топширилган вазифасида суиистеъмолчиликка йўл қўйган кимсаларнинг қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Сўнгги пушаймон эса ҳеч кимни жавобгарликдан халос қилмайди.

Марат БЕКЖОНОВ

НАЗОРАТ

Сифатсиз маҳсулотга ўрин йўқ

Бугунги кунда истеъмолга яроқсиз ва четдан ноқонуний йўллар билан олиб келинган маҳсулотларнинг пештахталарга чиқиб кетмаслиги чоралари изчил олиб борилмоқда. Ана шундай хайрли юмушда солиқ идоралари ҳам камарбаста бўлишаётир. Бу борада республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда қабул қилинган "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш" тўғрисидаги қарор дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

Жами солиқ идораларида, жумладан, пойтахтимиздаги Бектемир тумани давлат солиқ инспекцияси амалга ошираётган ишлар билан танишганда, истеъмолчиларга сифатли маҳсулот етказиб беришнинг қатъий тартиби шаклланганига иқрор бўлиш мумкин. Туман ҳудуди қўшни республикалар билан чегарадош бўлганлиги туфайли назорат шохобчаларида мунтазам ҳушёрлик таъминланмоқда. Бунда энг замонавий текширув ускуналари ўрнатилгани, ходимларнинг илғор технологиялар билан қуроллангани қўл келмоқда. Натижада ўтган йили 163 миллион сўмликка яқин турли товар моддий бойликлари мусодара қилинди. Агар жами 451 ҳолатда қонунбузарликлар қайд қилинган бўлса, шунинг 185 таси туман ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда тасдиқланган чора-тадбирлар режаси асосида амалга оширилган. Ғайриқонуний йўл билан келтирилган маҳсулотларнинг 139,1 миллион сўмлиги ноозиқ-овқат маҳсулотларини ташкил қилса, 9,9 миллион сўмлиги турли озиқ-овқатлардир. Ўтган йилги сайъ-ҳаракатлар туфайли туман солиқ инспекцияси томонидан давлат бюджетига 40,2 миллион сўм тўлиқ ундирилган.

— Ходимларимиз бу йил ҳам зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда фаолият юритаяптилар, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари Х. Умаров. — Жорий йилнинг биринчи чорагида 103 ҳолатда қоидабузарликлар қайд қилинди ва 20,2 миллион сўмлик товар моддий бойликлари олиб қўйилди.

Мамлакатимиз аҳолисига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, бозор пештахталарини тўлдиришда ғайриқонуний йўллардан фойдаланмаслик чораларини кўриш бундан кейин ҳам назорат идораларининг асосий вазифаси бўлиб қолаверади. Баъзи шахсларнинг мўмай даромад илинжидаги ҳаракатларига, демак, пештахталарда сифатсиз маҳсулотларга ўрин бўлмайди.

Усмон УСМОНОВ

ЖАРАЁН

Нигоҳимизда — ҳудудий нашрлар

“ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ”

“Дўппи ўзбекнинг ғурури...” Ҳар замон дўппи тикаётганимда шуни ўйлаб қоламан, — деб ёзади Андижон туманида истиқомат қилаётган тадбиркор Ўктамхон Расулова. — Мен ўзбек йигитларининг бошидаги дўппиларни кўпайтириш, тўғрироғи, миллий ҳунармандчилигимизни оз бўлсада ривожлантиришга улуш қўшиш мақсадида “Микрокредитбанк”-дан 600 000 сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим.Банкнинг бу кўмаги кўпгина муаммоларимни ҳал этди. Биринчидан, ўзимнинг севган касбим — дўппидўзликни ташламадим. Иккинчидан, шу орқали рўзғорим бут бўлаяпти. Учинчидан, тўртта ишчи ўрни яратиб, уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшяпман. Бундан хулоса қилиб мен ҳунаримнинг такомиллашишида, иқтисодимнинг тўкислигида, элга наф келтиришимда “Микрокредитбанк“нинг ҳиссаси бор, деб ўйлайман.”

Андижон вилояти “Иқбол” газетаси, 2008 йил, 4 март.

“УЧ КУРАШ СОҲИБАСИ”

“Дилфуза Темирова 1992 йил Косон тумани Гувалак қишлоғида туғилган. Айни вақтда шу тумандаги 71-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, спортнинг уч тури — дзю-до, миллий кураш ва самбо билан шуғулланади, деб ёзади **“Қашқадарё ёшлар спорти”** газетаси.

Газета мухбирининг таъкидлашича, Дилфуза миллий ва самбо курашларидан Ўзбекистон чемпионатининг олтин медали соҳибасидир.

— Энг катта орзуим — қайд этади Дилфуза газета мухбири саволларига жавоб бериб, — Осиё ва жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, юртимиз шаъни учун кураш майдонига тушиш ва ғалабага эришиш”.

Спортчи қизимизнинг айтгани келсин!

“ЎҒИРЛИК ТЕЗДА ФОШ БЎЛДИ”

Бу хабар Фарғона вилоятида чоп этилаётган **“Данғара” газетасидан** олинди:

“Данғара туманидаги Катта Бойбуча қишлоғилик Муроджон Турдалиев, Одилжон Хўжаназаровлар эндигина 20-22 ёшни қаршилаган, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп ҳам тотмаган ёшлардан. Улар ёшлик даврининг энг завқли онларини илм олиш, ҳунар ўрганиш, элу юртга муносиб фарзандлар бўлиб етишиш учун сарфлашлари мумкин эди. Аммо бу йигитлар тезда бойиб кетишнинг осон йўлини танладилар. ўзаро жиноий тил бириктириб, 2007 йил 22 декабрь куни фуқаро Аббосхон Юлдашевга қарашли умумий бозор нархи 400 минг сўм бўлган 3 бош қўйни далада боқиб юрилган жойидан ўғирлаб, Валижон Каримовга 280 минг сўмга сотиб юбордилар. Аммо қинғир ишнинг қийиғи чиқиши учун қирқ йил кутишга тўғри келмади, аксинча тезда уларнинг бу жиноий ҳаракатлари тегишли ашёвий далиллар асосида тез кунлар орасида ўз исботини топди. Айбдорлар ўз қилмишларига яраша жазо олдилар.”

Шоқаҳҳор САЛИМОВ тайёрлади.

МУНОСАБАТ

Сеҳр ва даромад кучи нимада?

ёки яна реклама тўғрисида

Сизни ҳеч реклама безовта қиладими? Айтайлик, ишдан ҳориб келдингиз. Иссиққина чойни симириб, қадрдон жойингизда узалгансиз. Кўзингиз телевизорда. Оила аъзоларингиз билан сериал (бу пайт фақат сериал кўрилади) кўриб ўтирибсиз. Шунда экранда вақти-вақти билан, яхши-ёмон, таъбингизга қараб ҳар хил реклама роликлари айлана бошлайди. Баъзида қайта-қайта, аралаш-қуралаш бақир-чақир (реклама сўзи аслидаям лотинча “рекламарс” сўзидан олинган бўлиб, “бақирмоқ” маъносини билдиради) қилаверибсиз, росмана асабингизни эговлайди. Юқоридаги саволга эса иккиланиб ўтирмай, ҳа деб жавоб берасиз.

Лекин ишонинг бу бозор иқтисодиётининг энг керакли, сув ва ҳаводай зарур шартларидан биридир. Чунки тадбиркорликсиз тараққиёт бўлмаганидек, рекламасиз тадбиркорлик ҳам бўлмайди. Қолаверса, сизнинг бозордан сифатли, кўнглингиздагидек нарса харид қилишингизнинг беминнат гарови ҳам айнан реклама бўлиши керак. Эҳтимол, ана шу сабабдан ҳамки инсоният ҳар бир жабҳада реклама муносабатларига эҳтиёж сезиб келган. Кўҳна Миср ва қадимги Византиядан топилган тошга ва пергаментларга битилган ёзувларда ҳам бугунги реклама унсуларининг учраши сўзимиз исботидир. Манбаларда кўрсатилишича илк бор расман 1650 йилда Лондон газеталарининг бирида 12 та йўқолган отни топишга ва топганга мукофот берилишига доир реклама эълони чоп этилган экан. Мана, орадан қарийб 400 йилга яқин вақт ўтибди ҳамки рекламанинг таъсири заррача сусайгани йўқ.

Тан олинг, дахшатр реклама, а?



XX асрга келиб, ҳатто сиёсат олами ҳам рекламага эҳтиёж сеза бошлади. Тўғрироғи реклама сиёсат майдонига ҳам дадил қадам қўйди. “Реклама иқтисодий санъат”, — деб чарчамайдиган франциялик “реклама қироли” Жак Сегала 1981 йилда шов-шувли ишга қўл уради. У ўша пайтлардаги Франция президентлигига даъвогарлар — Валери Жискар д'Эстен, Жак Ширак ва Франсуа Миттеранларга ўз ёрдамини таклиф қилади. Улардан фақат Франсуа Миттерангина бу таклифни қабул қилиб, Жакнинг фикри билан барча тасвирларда чаккасига қизил атиргул таққан ҳолда намоён бўла бошлайди. Маълумки атиргул Францияда тинчлик рамзи ҳисобланади. Халқ Франсуа Миттеран тимсолида тинчликпарвар инсон рамзини кўриб, унга ишонч билдиради. Жак Сегала катта обрў ва анчагина маблағ эгасига айланади. Унинг хизматларидан бошқа кўплаб, Европа давлатларининг раҳбарлари ҳам фойдаланган.

Рекламага мутахассислар кўплаб таърифлар беришади. Баъзилар уни “ўз вақтида жуда яхши айтилган ҳақиқат” деса, баъзилар “реклама чоп эттирилган савдодир” деб айтишади. Бошқа бир кишиларнинг фикрича эса, “реклама — савдо двигателидир”.

Таърифлар турлича бўлса ҳам, улардан келиб чиқадиган туб илдиз битта:

Реклама керакли ва унинг қудрати беқиёс. Ўзингиз ўйлаб кўринг, жаҳонда бир йилда рекламага ўртача 500 миллиард АҚШ доллари сарфланар экан. Ҳар ҳолда чакана бўлмаган бу миқдорнинг ўзиёқ рекламанинг нечоғли салоҳиятга эга эканлигини англатиб турибди.

Ўзбекистонда ҳам рекламага катта эътибор берилмоқда. Янгиланишлар, киши диққатини ўзига тортувчи (рекламада энг муҳими шу) унсурлар кўзга ташланмоқда.

Бироқ гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, телевидениеда неча йиллардан буён берилаётган “Бўшман” (Марс шоколади рекламаси), “Синиб қолдингми” — (Снекерс шоколади рекламаси) каби мантиққа зид сўзлар, баъзи дори препаратлари рекламаларида эса киши ғашига тегадиган жарангдор, жозибадор қофиядош сўзлар тиқиштирилаётгани рекламаларга бачканалик тўнини кийдириб қўймоқда. Бу ҳолатларда мулоҳазакорлик билан иш юритилса зарар қилмасди. Хориж рекламаларини тўғридан-тўғри таржима қилиш оқибатида баъзан ноқулай аҳволга тушиб қолиш ҳолатлари ҳам бўлган. Масалан “Паркер Пен” фирмаси Лотин Америкасида “Агар Паркерингиз бўлса, сизни ҳеч ким йўлдан уролмайди” шиори остида ўз маҳсулотлари рекламасини бошлайди. Охир оқибатда эса, “Паркер”нинг ўзи уятли аҳволга тушиб қолади. Маълум бўлишича, “йўлдан урмоқ” сўзи испанча “ҳомиладор бўлиб қолиш” маъносини билдирар экан. Бундай мисоллар жуда кўп. Шу сабабли хориж рекламалари маҳаллий тилга ўгирилаётганда, аввало халқнинг миллий менталитетига, урф-одатлари, турмуш тарзидан тортиб тилининг этимологик хусусиятларига қадар эътибор қаратмоқ даркор.

Кейинги пайтларда антирекламаси тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Бунда маҳсулот ёки хизматнинг яхши ёки ишончлилиги муҳим роль ўйнамайди. Асосийси мижознинг қитиқ-патига тегиб, хотирасига чирмовиқдай ўрнашиб олинса бас. Антирекламанинг бор бўй-басти шунда намоён бўлади.

Матбуот рекламаси телевиденеда берилаётган рекламалардан фарқ қилади. Унда сўзларнинг жозибадорлиги, фикрнинг тушунарлилиги, айни пайтда сарлавҳанинг антиқалиги муҳим аҳамиятга эга.

Аммо очиғини айтганда матбуот рекламалари бизда ТВ рекламаларидан сезиларли даражада орқада.

Маълумки, ривожланган давлатларда газетанинг харажатлари унинг нусхаси ёки нархи билан боғланмайди. Бильакс фақат рекламалардан тушадиган даромад нашрнинг барча харажатларини ортиғи билан қоплайди. Масалан дунёга миллионлаб нусхаларда тарқайдиган айрим энг номдор газеталарининг бир нусхасини чиқаришнинг ўзи бир неча миллион АҚШ долларига етиши баробарида, уни сотувдан арзимаган бир неча ўн центга олиш мумкин. Албатта, ўртадаги тафовут ва журналистларга бериладиган маош ва қалам ҳақини рекламадан тушадиган фойда қоплайди.

Агар бизда ҳам бунга етарлича эътибор қаратилса, назардан четда қолаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилса, газеталаримизнинг адади сезиларли ошган, қоғоз сифати яхшиланиш имконияти кўпайган бўларди. Қолаверса, газеталарнинг обуна ва чакана сотувдаги нархи ҳам бир неча бор арзонлашган бўлармиди? Балки ўшанда газета дўконларидаги севимли газеталаримизни, айтайлик, 30-40 сўмга сотиб олиш имкони туғиларди! Албатта, бир қарашда бу фикрлар шунчаки ҳавойи гаплардек туюлиши мумкин. Бироқ назаримизда уддаласа бўладиган иш!

Ахир, физиклар учун моддият ва қувват тоифасидаги ҳодиса, математиклар учун абстракт миқдор, генетеклар учун наслий белгилар ворислигини сақловчи универсал схема, файласуфлар учун моддиятнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган ахборотгина тараққиётнинг замини бақувват пиллапояси ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, ана шу масалаларим ҳам энг аввало кишиларни қизиқтирадиган, сеҳрлайдиган ва фойда келтирадиган ахборот воситаси реклама ёрдамида амалга ошириш мумкин бўларди.

Иномжон АБДИЕВ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

СУВ

нафақат тириклик манбаи, балки ҳаётнинг энг улуғ мўъжизасидир



Дин одам тупроқдан яратилган, деб айтади. Аммо қуруқ тупроқдан эмас, лойдан, албатта. Зеро, Аллоҳ таоло “...барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?!” деб айтади (Анбиё сураси, 30-оят). Рабғўзийнинг ёзишича, Аллоҳ Одам ато лойини қориб, устига ўтиз тўққиз йил аччиқ ва шўр бир йил эса чучук ёмғир ёғдирган экан (шунинг учун ҳам инсон ҳаётининг кўпи ғамли, озроғи қувончли бўларкан). Қирқ йил ёққан ёмғирдан баданимиз сувга хўп бўккан кўринади — инсон танасининг 65-66 фоизи, унинг энг олий узви бўлмиш бош миянинг эса 80-82 фоизи сувдан иборат.

Танамизнинг учдан икки қисми сув бўлса, демак биз аввало сув эканмиз-да! Боз, одам ва умуман барча тирик организм истеъмол қилиб ютадиган озуқанинг ҳам саксон-тўқсон фоизи сувдан иборат бўлади.

Одамнинг фикр-ўйи, нияти ва қилмишлари пок бўлиши учун унинг халқуми тоза бўлиши керак, дейдилар. Халқум покланиши учун эса сув покиза бўлсин. Соғлиғимиз ҳам, умримизнинг узоқ бўлиши ҳам, аввало, ичар сувимизнинг сифатига боғлиқ. Ибн Синодан тортиб жами табиблар сувга алоҳида эътибор берган: ранг-туси, тузи, таъми, ҳиди, дарё сувими ёки қудуқ суви, ҳовузнинг, ариқнинг катта-кичиклигига қадар бирма-бир тафсиллашган.

Ҳаммага аёнки, сув қаттиқ (муз), суюқ (сув) ва газ (буғ) ҳолатида бўлади. Бўлар физикага тегишли. Аммо бундан ташқари, ҳар қандай сув ё тирик, ё ўлик ҳолда бўлади; ўлик сувнинг хоссаси билан тирик сувнинг хусусияти бошқа-бошқа. Уларнинг таъми ҳам бўлакча. Хўш, тирик сув нимаю ўлик сув нима?

Осмондан ёққан қор-ёмғир, ҳавонинг тунда совушидан пайдо бўлган шабнаму қиров, музликларнинг эриб сув ҳолига келаётган, дарё-сойларда оқаётган ҳолати — тирик сув, қизиган, қайнаган, ё қайнаб буғга айланаётган сув — ўлик сувдир. Табиатдаги сув айланиш циклида ушбу биологик ҳолатлар мудом алмашиниб туради: денгизу кўллардаги сув қизиб, аста-секин ўлик сувга айлана боради, унинг бир қисми буғланиш туфайли осмонга кўтарилиб, булут бўлади, қор-ёмғир бўлиб ерга ёғади — яна тирик сувга айланади. Демак, буғ-булутнинг атмосферада совиш орқали тўйиниши (унинг оқибатида буғ сув-қор бўлиб яна ерга қайтиб тушади) табиатдаги энг мўъжизали ва мўжизакор ҳодиса — тириклик ана шу ҳодисадан бошланади, у туфайлигина давом этади.

Айтишларича, ҳар битта томчи ёмғир ва қор заррасини осмондан ерга бир фаришта олиб тушар экан. Шунинг учун ҳам қор ва ёмғир “оби раҳмат”, яъни Аллоҳнинг раҳмат ёғдирган суви дейилади. Фаришталар сони шунчалик кўп эмишки, Ер юзи яралганда ёққан биринчи ёмғирнинг дастлабки томчисини олиб тушган фаришта иккинчи бир бор навбат келиши қиёматгача душвор экан. Тасаввур қилинг — Курраи замин яралганидан бошлаб охиратга қадар ҳар йили барча қитъаю уммонларга ёғадиган беҳисоб ёмғир, қор, дўл донасининг миқдорини! Айтайлик, бирон гектар жойга беш-ўн дақиқа ёмғир ёғиб ўтадиган бўлса ҳам, аниқки, шу жойга шунча вақт ичида миллиардлаб томчи ёмғир тушади. Бу нақл фаришталар кўплигини кўрсатиш учун айтилган албатта, аммо бошқа бир ҳақиқат ҳам бор: осмондан тушган ҳар бир томчи ё зарра — ҳаётбахш тирик сув, тириклик суви, бу бир Яратганнинг мўъжизаси. Тирик сув шоирлар обиҳаёт деб таърифлайдиган, илк баҳорда дарёларда шовуш ҳосил қилиб тўлиб-тошиб, анҳорларда пишқириб, бўтана бўлиб оқадиган, жами дов-дарахт ва ўт-алафнинг томирига жон суви бўлиб етиб борадиган сувдир.

Тўғри, ўлик сувни ҳам ичса бўлади, экин суғориш мумкин, аммо таъсири тирик сув каби эмас. Ўлик сув, нари борса, кимёвий тилда айтсак N_2O, холос. Жами ўсимлик ва дов-дарахтларнинг ҳаёти тирик сув билан боғлиқ: ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан бери тоғлар, ўрмонлар, яйловларга ёмғиру қор — тирик сув ёғади. Жон-жониворлар ҳам тирик сувни ичади.

Илгари одамларнинг энг кўп ичадигани ҳам чой ёки кофе эмас, сув эди (чойнинг юртимизга кириб келганига ҳали икки аср ҳам бўлмаган). Ариқ, сой ва дарёдан, улар йўқ жойда эса булоқ, қудуқ, кориз каби ер ости сувидан ичимлик сифатида фойдаланилган. Буларнинг барчаси ёғин сифатида тоғлар, чўллар ва текисликларга тушган тирик сув эди. Тоғлардан келган сойлар оқсув, булоқлардан ҳосил бўлган дарёлар қорасув деб аталган. Тирик сув организм учун фойдали, аммо ўлик сув аксар одамларга тўғри келмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бир мисол кифоя: нозиктаъб, закий одамлар илгари бир қайнаган сувни яна қайнатиб чой дамлашни ёқтирмайди, чунки бу чойнинг таъми айниган, бемаза. Шунинг учун ҳар гал чой сувини янгилаймиз; ўлик сувни тўкиб ташлаб, қумғонга тирик сув қуямиз. Табибларнинг айтишича, нафақат ичиш, балки чўмилиш учун ҳам тирик сув дуруст. Чунончи, ёз чилласида томир кенгайиши туфайли бўшашиб, лоҳас бўлган одам фақат оқар сувда чўмилса, тетиклашиб, ўзига келади.

Аммо ҳозир кўп йирик шаҳарлар (қишлоқларнинг ҳам) аҳолиси тобора чала ўлик сувни истеъмол қилишга мажбур бўлаётир. Экин-тикин, чорва ҳам кўпроқ чала ўлик сувни ичади. Бундай сув бизга сув омборларидан келади.

Катта шаҳарлар дарёлар ёқасида, ирригацион қулай масканда бино бўлган. Тошкент — Чирчиқ дарёси бўйида қад ростлаган, Самарқанд — Сиёбдан сув ичган ва ҳоказо. Уларга тоғ ирмоқларидан ҳосил бўлган дарёлардан тирик сув оқиб келган. Шаҳар ўз истеъмоли учун керакли сувни олган, дарё ўз ўзанида яна оқиб кетаверган.

Эндиликда кўп шаҳарлар елкасида сув омбори қурилган. Тошкент шарқида Чорвоқ сув омбори, Андижон кунчиқарида Кампирравот, Ўш жанубида Попон сув омбори...

Аксар сув омборларининг сатҳи саёз, яъни тўпланган сув кенг майдонда ёйилиб ётади. Чунки бу сув ҳавзалари чуқур эмас — бирон даранинг торроқ жойига тўғон солиниб, дарё ўзанидан табиий чуқурлик сифатида фойдаланилади. Ўзбекистондаги энг катта Туямўйин сув омборида қарийб саккиз миллиард куб метр сув сақланади (бу тўртта Андижон ёки тўртта Чорвоқ сув омборидаги сувга тенг дегани), аммо тўғонининг баландлиги бор-йўғи 28 метр. Бошқа аксар сув омборларидаги ҳолат ҳам шунга яқин. Саёз жойда тўпланган жуда кўп сув Туроннинг қайноқ қуёши остида қизийди, ойлар давомида бир жойда ҳаракатсиз, тинч туриши туфайли биологик фаоллиги пасайиб, айнийди. Аҳён-аҳёнда ундан кўпроқ сув оқизиб юбориладиган бўлса, тебранкни кўлмак сувнинг ёқимсиз ҳиди тутиб кетиши ҳам шундан. Ҳар мавсумда сув омборларида тирик жоннинг саломатлиги учун зарарли жуда кўп сув захираси тўпланиб қолади. Шаҳарнинг сув-қувур тармоқлари аҳоли учун сувни ана шу улкан тарелкалардан — неча юз миллион куб метрлаб сув турғун сақланадиган сув омборларидан (ёки улардан дарёнинг қуйи ўзанига ташланадиган сувдан) олади. Биз гарчи зарарсизлантириш ва тозалаш-фильтрлаш иншоотларидан ўтган бўлса-да, таъми айниган, узоқ муддат давомида ҳаракатсиз турган, саёз ҳавзаларда мудом қизиб-совугани боис, тириклик хоссасини анчагина йўқотган, ўликликка мойил — тириклик хосиятини деярли йўқотган шу сувни ичамиз, овқат пиширамиз. Тўғри, бу сув тип-тиниқ, аммо бу унинг экологик тоза эканлигини кўрсатмайди. Фақат дарё ва табиий кўл сувигина ўз тириклик хусусиятини яхши сақлайди.

Тошкент сувининг таъми ҳатто Марказий Осиёдаги кўп жойларникидан яхши. Чойи ширин. Чунки Тошкент қайноқ чўллар оралаб етиб келадиган дарёлардан эмас, шаҳарнинг шундоқ елкасидаги Чотқол, Угом, Писком, Кўксув тизмаларидан пайдо бўладиган Чирчиқ дарёсидан сув ичиб келган. Ҳозир эса Тошкент шаҳри Чорвоқ сув омборидан оқиб чиқадиган Бўзсув канали сувини тозалаб ичади. Тўғри, сув тиндирилади, фильтрланади, тозаланади... Аммо пок бўлиб қоладими? Кимёвий жиҳатдан балким “тоза”дир, аммо маънавий жиҳатдан-чи? Сув етти юмаласа ҳалол дейдилар. Тўғри, аммо гап бу “юмалаётган”, яъни оқар сув ҳақида айтилган. Чунки оқар сув тозаришга мойил бўлади, уни нопок қиладиган жисмлар сув йўлида қолиб кетаверади. Лекин... ҳамиша ҳам шундайми? Бизнингча, сувда ифлослантирадиган, макруҳ қиладиган бирон нопок нарса ётганини кўрсагу, олиб ташламасак, сув ҳар қанча юмаласа ҳам ҳалол бўлмайди.

Бинобарин, биз ичимлик суви деб берилаётган сувнинг ҳам тиббий, ҳам маънан жуда пок бўлишини талаб қилишга ҳақли бўла борамиз. Бу талабни қондириш учун юртимизда сув манбаларини покиза асрашга ҳаракат қилишимиз лозим.

Мутахассисларнинг айтишича, сувнинг ранги, таъми ва ҳиди унинг таркибида қанақа микрофлора ҳамда микрофауна (микроскопик ўсимлик ва жониворлар) кўпроқ тарқалганлигига боғлиқ. Чиндан ҳам, дарё сувидан бир томчи олиб, микроскоп орқали кузатсангиз, шу бир қатра сувда ўнга яқин турли сув ўтлари ўсиб турганига ва ўнлаб антиқа жониворлар яшаётганига ишонч ҳосил қиласиз (сув қизиганида буларнинг барчаси ҳалок бўлади. Қайнаган сувнинг “ўлик” деб, муздан тушиб, яна ҳаёт кечириш учун яроқли ҳолга келган сувнинг “тирик” деб аталишига сабаб, эҳтимол, шудир?).

Одамлар “фалон дарёнинг суви ширин, анов сойнинг суви бадҳўр” деган гапларни бекорга айтмайди. Чунки ҳар бир ариқ ё анҳор бўлак ердан оқиб ўтади, шунга қараб туз, йод... нисбатига эга бўлади, микрофлора ва микрофаунаси ҳам ўзгача бўлади. Демак, синчиклаб текширилса, Чирчиқ дарёсини ҳосил этадиган Чотқол, Угом, Писком, Оқсув каби сойлар суви ҳам бир-биридан оздир-кўпдир, фарқ қилишини аниқлаш мумкин. Бунда улардан қай бирининг таркиби истеъмол учун энг мақбуллигини белгилаш қийин эмас.

Бизнинг таклифимиз — гидролог ва биолог олимлар, тиббиёт ходимлари хулосалари асосида истеъмол учун энг мақбул бўлган дарё сувини аниқлаб, уни Тошкент шаҳри яқинидаги тиндиргичга етказиб бериш дурустлигини ҳал этиш мумкин эмасми? Сўнг шу дарёнинг бош ирмоғидан этагига қадар бутун гидрографик муҳит яхшиланиши — чорва молларидан иҳоталаниб, табиий биосфера муҳити тикланиши, ва, ниҳоят, шу манбанинг суви қувурларга олиниб, бошқа сувларга қўшилмаган ҳолда Тошкент водопроводига сув олинадиган ер ости сизгичларига ёпиқ ҳолда етказилса. Албатта, бунинг учун техник ва иқтисодий жиҳатдан ечими топилса, бу қувур металл эмас, керамика бўлиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу... хийла катта маблағни ташкил этади-ку, дейишлари мумкин.

Ичимлик сувнинг тозалиги туфайли эришиладиган саломатлик ва ундан келадиган иқтисодий-ижтимоий манфаат эса ҳазилакам бўлмайди!

Биров бир валидан «Сиз авлиё бўлсангиз, мўъжиза кўрсатинг, биз ишонайлик» деса, вали уни қўлидан ушлаб, “Атрофингга қара, мўъжиза бўлмаган нарсани менга кўрсат” деган экан. Ҳа, Аллоҳ шу муаззам дунёни бошдан-оёқ мўъжиза қилиб яратган. Аммо улар ичида ҳам энг табаррук — сув...

Ўзбеклар сувни “ҳаётий муҳим модда ё “ресурс” деб эмас, улуғ қадрият деб эъзозлайди. Уволидан қўрқади. Зеро, сув нондай, балки нондан ҳам азиз, муқаддас бир неъмат. Ҳатто ҳар бир мўъминнинг сўнгги насибаси ҳам оғзига томизиладиган бир неча томчи сув... Уни пок сақлаш ҳар бир инсофли одамнинг, ҳар бир мусулмоннинг ва ҳар бир фидойи ўзбекнинг виждон ишига айланиши лозим.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

РАССОМ ХАНДАСИ

— Алло, қачон сув берасизлар, жуда сувга зор бўлиб қолдик-ку?
— ...

Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

СУРАТ ВА СИЙРАТ

БУЮК ТАҚДИРЛАР

Дунёдаги энг гўзал Севги Достони

Ушбу севги тарихи ҳеч кимникига ўхшамайди. Агар лозим бўлса, уни дунёдаги «энг гўзал муҳаббат қисса»ларига тенглаштириш мумкин.

Бу оила тарихи тарозусининг бир палласидаги муҳаббат, садоқат ва вафо иккинчи палласидаги азоб-уқубатлар, ғам-ҳасратлар, фожиалар ила тенглашади.

Бу оила қисматида ҳаммаси бўлган эди: бахтли лаҳзалар ҳам, миллат тафаккурининг бебаҳо бойлигига айланган асарларнинг яралиши, халқ муҳаббати, меҳр берилган шогирдларнинг душманга айланиши, дўстларнинг ҳасади туфайли хасталиклар, жудоликлар. Яратганнинг сийлови билан берилган улкан истеъдоди учун Ойбек ва Зарифа Саидносировага тақдир шундай умр йўлларини раво кўрганди.

Озод Шарафиддиновнинг таъбирлари билан айтсак, «миллатни уйғотган адиб» - Ойбекка тақдир нафақат ёзувчилик саодати, балки ажойиб оила қуриш, ҳақиқий дўст, маслакдош — умр йўлдоши билан яшаш бахтини ҳам берган эди.

• ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА

Уларнинг учрашувларини ҳам Яратганнинг ўзи дилдан истаган бўлса керак.

Бу учрашув айнан ўша пайтда юз бергани учун ҳам улар бирга бўлиб қолдилар. Ўн йил илгари уларнинг учрашишлари маҳол, давр ҳам, мезонлар ҳам ҳаммаси тамомила бўлак, иккалалари ҳам ижтимоий келиб чиқишлари жиҳатидан турли тоифага мансуб одамлар эдилар.

Туркистонлик Саидносирбой Миржалил ўғлининг беш нафар қиз фарзанди бўлиб, Зарифа улардан иккинчиси эди. Қизнинг болалиги ниҳоятда бахтли кечди. Замонанинг энг юксак завқига мувофиқ Туркистоннинг Қарноқ кўчасида қурилган уй, ҳар жума намат кўрпачалар солинган кўкон аравада бобосиникига уюштириладиган меҳмондорчиликлар, бу оиладаги хотин-қизларнинг энг асил матолардан европача бичимда либослар тиктиришлари, қўша-қўша узук, билакузук, маржон, олтин занжирлар тақиб юришлари, бирон кам-кўстни сезмай яшашлари оила бошлиғи Саидносир Миржалил ўғлининг ақл-заковати ва меҳнаткашлиги эвазига бунёдга келганди.

Зарифа Саидносирова ўз отасининг ташқи кўриниши ҳақида шундай ёзган эди: «Дадам Саидносир Абдулхай ўғли Миржалилов ўрта бўйли, қорачадан келган, кўзлари йирик киши эди. У 1884 йилда туғилган. Дадам жуда ақлли, юраги тоза, одамларга меҳрибон бўлган». Ночор оилада катта бўлганига қарамай, кейинчалик тиришқоқлиги туфайли катта сармояга эга бўлган, Туркистонда биринчи пахта заводини қурган, электрнинг моҳиятини ҳали одамлар «шайтон чироқ» деб юрган пайтлардаёқ тушунган маърифатпарвар бу одам капитал тўплагач, Тошкентга келиб, бу ерда «Тошкент» деган ширкат тузди».

Ота-боболари бўзчилик билан шуғулланган Муса исмли кенг пешонали, катта-катта кўзлари порлаб турадиган қорачадан келган болакай эса Тошкентнинг «Гавкуш» маҳалласи (ҳозирги Ўзбек Миллий академик театри ортида жойлашган)да таваллуд топганди. XX асрнинг бошларида рус мануфактураси Тошкент бозорларидан бўзчиларни сиқиб чиқаргандан кейин гавкушликлар рўзғор тебратишнинг бошқа чора-тадбирларини ахтара бошлаганлар. Шу маҳаллада яшаган Ойбекнинг отаси Тошмуҳаммад ака ҳам ота касбини тарк этиб, Тошкент атрофидаги қишлоқларда, Хумсонда баққолчилик билан шуғуллана бошлади. Оила ниҳоятда ночор аҳволда яшар эди.

Ойбекнинг болалиги ҳақида Озод Шарафиддинов шундай дегандилар: «Ойбек ўн икки-ўн уч ёшдан кейин ҳаётида бирон рўшнолик кўрмаган. 1917 йил октябрь инқилобининг иккинчи куни Тошкентнинг Янги шаҳар қисмига ўзбекларни сайилга қўйиб, кейин кечкурун ҳаммаларини пулемёт билан отиб ташлашган. Минглаб одамлар ўлган. Гражданлар уруши, қимматчилик, коллективлаштириш даври, қаҳатчилик даврларини кўрган. Кўчаларда одамлар ўлиб қолганларини кўрган».

Юз берган ўзгаришлар Туркистон ерларига ҳам етиб борди. Зарифа ўшанда тўққиз ёшда эди: «Инқилоб! Ҳуррият! Оқ подшо тахтдан ағдарилди!!! Мен тўққиз ёшдаман. Табиий, кўп нарсани тушунмайман. Лекин «Золим подшодан қутулдик, озодликка чиқдик» деган сўзларни тушунаман. Мен ёшман. Бойнинг қизиман. Лекин «золим подшодан қутулдик», «озодлик», «ҳуррият» деган сўзлардан суюнаман». Аммо ўша кунлари қизалоқ дадаси большевиклардан қочиб, бирданига қайгадир кетиб қолганига тушунмасди.

Саидносир Миржалил ўғли Октябрь тўнтарилиши арафасида большевиклар лойиҳаси мустамлакачилик сиёсатидан бошқа нарса эмаслигини яхши билган, ватандошларини миллий озодлик ва тараққиёт йўлига бошлаган. Ўқиш оғир бўлганига қарамай, Зарифа Пистолоцци мактабида яхши ўқир, Саидносирбой «Қизим, рус мактаби, Европа мактабида ўқиса, ўз халқи тарихини билмай қолади» деган мақсадда уни Хадрадаги Навоий педагогика техникумига ҳам ўқишга берган. Бу техникум Саидкаримбойнинг ҳовлисида жойлашган бўлиб, ҳозирги Маннон Уйғур номидаги театр қаршисида жойлашган эди.

1924 йил октябрь байрами арафасида Зарифа худди шу ерда Ойбек билан танишади. Ўшанда Ойбек ориқ ва новча йигит бўлиб, қўнғир қивроқ қалин сочлари дўпписидан тошиб турадиган йигитча эди. Зарифа опанинг хотирлашларича, Ойбек унга биринчи бор:

— Опа, тугмам узилипти, тикиб беринг, — деб мурожаат қилган, ўн олти ёшли қиз эса нима жавоб қилишини билмай, бир лаҳзада қотиб қолганди...

«Кунлардан бирида дадам кечкурун Чўлпонни ичкарига бошлаб кирди. Мени чақириб таништиргач, кўрпача солишни буюрди. Бу менинг Абдулҳамид акага биринчи дафъа кўринишим эди. Баланд бўйли, йирик гавдали, устида ўзига ярашган фарғонача янги сиртма тўн, бошида катта сувсар телпак. Дадам девордаги Аҳмад Яссавий мақбараси расмини кўрсатиб, бу расмни мен ишлаганим ҳақида гапирар экан: «Жуда гўзал ишланган. Бу қизни Германияга ўқишга юбормоқ керак», — деди Чўлпон.

— Менинг ҳам шундай орзу-умидим бор, — деб кулимсирайди дадам. Кейинчалик бу воқеани эслаганида, Зарифа Германияга ўқишга яхши ҳам бормагани, акс ҳолда Ойбек билан таништиш бахтидан маҳрум бўлиши мумкинлигини ёзадилар.

Ҳар куни Зарифа техникумдаги ўқишдан сўнг Пистолоцци мактабидан қайтар, Ойбек уни хиёбонда кутиб олар ва бирга уйга қайтишарди.

Зарифа Саидносирова Репиннинг шогирди Рязановнинг қўлида ўқиган биринчи ўзбек рассом қизидир. Туркистондаги тарихий обидалар чизилган расмини кўргазмалардан бирида бир немис муҳожири сотиб олмоқчи бўлганида, отаси, «Йўқ, менинг қизимнинг расмлари Германияда эмас, ўз юртида туришини хоҳлайман» деб айтган экан.

Саидносирбой биринчи марта Ойбекни Зарифанинг битирув кечасида кўрди.

1926-1927 йиллар оила бошига оғир кулфатлар тушди. 1926 йил Саидносирбой собиқ мухториятчилар қаторида чекистлар томонидан ҳибсга олинди. Уни Туркистонга қочиб кетаётган пайтида орқасига қўйилган чекистлар поездда ушлаб, тўғри Тошкентга, ГПУга олиб келган эдилар. Ёлғиз ўғлига кўз тиккан кекса аёл келини ва унинг беш нафар қизи билан ҳовлида ҳувиллаб қолиб кетавердилар. Қизлар ҳафтада икки марта овқат элтишарди.

Саидносирбой уч йил муддатга Сибирга сургун қилинади. «Ана шу машъум воқеадан бир-икки кун илгари оила билан хайрлашмоқ учун унга бир-икки солдатни қўшиб, уйга юбордилар. Дадам ярим кун мобайнида биз билан бирга бўлди. Палов қилдик, суҳбатлашдик. Дадам биз билан хайрлашаркан, «Хафа бўлманглар, фақат ўқишни ўйланглар. Омон бўлсак, худо хоҳласа, қўришамиз», деди.

Бувим дадамни қучоғига босиб, узун-узун дуолар қилди. Биз кўз ёши билан айрилдик. Ҳаёт шунчалар оғир, азобларга тўла экан... Бир неча кун турма эшигини пойладик. Аристонларни этап билан вокзалга ҳайдар эканлар, биз уларни кўча четидан кузатиб бордик.

Инсоннинг қисқа умрида унга шу қадар зулм ўтказиш, ўз халқининг мустақил бўлиши, маърифатли ва фаровон яшашини орзу қилгани учун қамаш, сургун қидиришни ким чиқарган экан?.. Ойим, бувим, ҳаммамиз йиғлаб қолдик».

1927 йил. Матбуотда Чўлпон тўғрисида мақолалар чоп этилиб, унга буржуа шоири сифатида тошлар отила бошланди. Бу танқидий мақолаларга жавоб берганида Ойбек 22 ёшда эди. «Ўшанда Чўлпон очиқдан-очиқ «совет халқига ёт шоир» деб эълон қилинган эди. Уни «буржуа зиёлиларининг шоири» дейишган. Ойбек уни ҳимоя қилади Пушкинни мисол келтириб, адабиётнинг спецификасини эслатади, шеър ва шоирни теранроқ тушунишга, истеъдодни қадрлашга ундайди. Махсус органлар, эҳтимол, уни ёшлиги учун бир марта кечиргандирлар. Йўқ, бунга ишониб бўлмайди. Улар шунчаки арқонни узун ташлаб, бир йўла улгуржи ўлжа олишдан умидвор бўлишлари мумкин» деб ёзгандилар Озод Шарафиддинов Ойбекнинг бу жасорати ҳақида.

1927 йили Ойбек Ленинградга ўқишга жўнади. Зарифа СаГУнинг физика-математика факультетининг кимё шўъбасида ўқиш билан бирга Зебунисо мактабида муаллимлик қила бошлади.

Ойбек ва Зарифа опа оила қуриш даврига кирганларида, ота қамоқда эди. 1929 йилда бўлиб ўтган тўй Саидносирбойнинг розилиги билан бўлди.

Оиланинг кенжаси Муборак Саидносирова бундан уч йил аввал биз билан бўлган суҳбатда етти кеча-кундуз поездда Семипалатинск шаҳрига бориб, Ойбек ва Зарифанинг тўйларига розилик олиб қайтишганини йиғлаб-йиғлаб айтиб бергандилар. «Шундан кейин тўйлари бўлиб ўтди. Кўпинча келганларида, Зарифа опам ишда бўлардилар. Мен жажжи қиз эдим. Олдиларига югуриб чиқардим. Мен билан гаплашардилар, қизиқ-қизиқ гаплардан айтиб кулдирардилар. Мени Шайхонтохурга олиб чиқардилар. Гавжум бозор бўларди. Музқаймоқ еб қайтардик.

Бечора бувим ва ойим дадамни эслаб кўпинча йиғлаб ўтиришарди. Ойбек ака келганларида бироз овунишарди. Беш қиз қолганмиз. Ойбек ака шундай ажойиб киши эдилар. Отаси қамалган оилага кириб келганлари ҳам катта гап эди ахир. Дадам йўқликларида бувим қазо қилган»

Бу бахтсизликларга қарамай, улар бирга эдилар, бирга бахтиёр эдилар. Улар эрталари янада бахтлироқ бўлишини орзу қилардилар. Ваҳоланки, олдинда синовли 30-йиллар, алғов-далғовлар кутмоқда эди.

• БАЛОҒАТ ЙИЛЛАРИ

Ўттизинчи-қирқинчи йиллар Ойбек ҳамда Зарифа Саидносирова оилавий ҳаёти, ундаги турмуш тарзи мамлакатда рўй берган жуда катта ўзгаришлар ва фожиалар таъсирида кечди.

Тўғри, бу йилларда Ойбек жуда маҳсулдор ижод қилди — «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларини яратди, академик унвонига сазовор бўлди. Зарифа Саидносирова кимёгар олима сифатида танила бошлади.

Булардан ҳам муҳими улар ота-она бўлдилар.

Лекин халқ ҳаётидаги жуда катта фожиалар — қаҳатчилик, ўттиз еттинчи йиллар бўронлари, Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари бу оилани ҳамиша ўз гирдобига тортиб турди.

1937 йили Тил ва адабиёт институтида ишлаб юрган Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқа кўпгина кишиларни «халқ душмани» деб ишдан ҳайдадилар. Таъқиб қилишлар, чақувлар бошланди. Бўлар-бўлмас гапларни гапириб бир-бирини ушлаб олиб бориб қаматишлар авж олди. 1937 йил тўполонлари бошланган эди.

Зарифа Саидносирова: «Биз ҳар куни эрталаб ҳали у, ҳали бу танишимизнинг қамалганини эшитамиз. Кунлар ниҳоятда бетинч. Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлардан бошлаб, энг гуноҳсиз, қарийб ҳар бир муаллимга қадар барчаси «халқ душмани», деб эълон қилинган. Шу қора қирғинда, айниқса, зиёлилар қирилиб кетдилар. Ҳатто Ойбекни ҳам қамалган, деган гаплар тарқалди. На кундуз ҳаловат бор, на тунда – уйқуда роҳат. Ҳар дақиқа ташвиш, ҳар дақиқа юрак титрокда...

Рамз Бобожон хотираларидан: «Ойбекни ҳам ўша кунлар бир неча бор терговга чақиришди. Шунда у Саидносир Миржалил ўғлини уйига киритилганда айбланди. Ойбек ўшанда «Саидносир менинг қайнотам, мен унга уйимнинг эшикларинигина эмас, балки бутун юрагимни очсам ҳам кам» дейди».

Зарифа Саидносирова : «Ойбек кўчага ҳам чиқмайди. Чиқишнинг ҳам ҳожати йўқ. Тил ва адабиёт институтидан ҳайдалган, Ёзувчилар уюшмасидан чиқарилган. Газета ва журналлар эса унинг асарларини босмай қўйганлар. Шунинг учун ҳам Ойбек бутун ёз ичи боғдан чиқмай ижод қилди. Биз болаларни қўрғонда қайнонам билан қайнотамга қолдириб, икки темир каравотни катта боғнинг бир четига кўчирдик. Икковимиз шунда тунларни бедор ўтказа бошладик.

Шу ғалвали даврнинг биринчи кунларидаёқ дадамни тағин ҳибсга олдилар»

1936 йили Соловкидан қайтганидан сўнг Саидносирбой ўн ойгина уйда озод яшади. Келди-ю, яна коммунистик қатағонга дуч келди.

Бу воқеа йигирма тўққиз ёшли аёл қалбида бир умрга аччиқ армон бўлиб қолди: «Бир куни ойимникига келсам, дадам, НКВДдан келган киши бир рус қўшнимиз иштирокида акт тузиб ўтиришибди. Ойим бояқиш айвонда йиғлаб юрибди. Дадам шу куни ҳаммомдан чиқиб, янги оқ сурп кўйлак кийиб, ойим билан гангур-гунгур сўзлашиб нонушта қилиб ўтирганида шу татар йигит балодай етиб келган. Дадам ҳаммамиз билан қучоқлашиб хайрлашди. Сўнг татар йигитнинг олдига тушиб кетар экан, йигирма қадамча юрганидан сўнг орқага қайтди.

— Набирамни бир ўпай, — деб қўлимдан Гулрангни олди. Бағрига босиб, пешонасидан икки марта ўпди ва дуо қилди - Умри узоқ бўлсин. Ақлли-ҳушли, халқига фойдали киши бўлиб етишсин!

Юракларимиз қонга тўлди, эзилиб кетдик...

Орадан қанча вақт ўтди, оила на хат, на хабар олди. Бир неча вақт ўтгач, «Изламанглар! Хат ёзишдан маҳрум ўлароқ узоққа сургун қилинган» деб айтдилар.

Шундай тарзда, жадид мактабини очган, пахта заводини қурган, Туркистон шаҳрида илк бор электр чироғини ёққан, Тошкентда кенг миқёсда фаолият юритган, мустақиллик учун кураш йўлларини излаган, ширкат очиб сармоя яратган ва уни Ватан истиқболи учун сарфлаган, истеъдодли ёшларни хорижга ўқишга юборган ва шу йўл билан келажак меъморларини тайёрлашга интилган Саидносир Миржалил ўғли эллик уч ёшида йўқ бўлиб кетди.

Зарифа опани умрининг сўнгги кунларигача отасининг тақдири изтиробга солди. Уни «Менинг дадам қани, қаерда? Уни қай чуқурга отиб, думалатиб, устига тупроқ тортганлар?» деган аччиқ ҳаёл ҳамиша бағрини тилка-тилка қиларди.

Профессор Наим Каримов: «Ойбек домлани бир неча бор муҳокама қилишган. Ойбек Чўлпон касаллигида кўргани борган, Саидносирбойни уйига қўйган деган айблар қўйишган. Лекин ниҳоятда қашшоқ оилада воя га етганини инобатга олиниб, 1937 йил тегирмонидан омон қолган. 1937 йил воқеаларидан олдин агар қўлимга пул тушса, битта кичкина боғ сотиб оламан, деган эканлар.

Ойбек домла ўша кунлар кўчада НКВД машинаси кўринса, «болаларим мени олиб кетишаётганида кўришмасин» деб кўчада юрарканлар».

Озод Шарафиддинов хотираларидан: «Ойбекни институтдан ҳайдашганда «Қутлуғ қон»ни ёзган. Маблағ келадиган жой бўлмаган. Ўша пайтлар оилани Зарифа опа кўтарганлар. Зарифа опа химия фанлари номзоди эди. Зарифа опа уйнинг ичи билан ўралашган, майда туйғуларга ўралган. Сал бўш қолса, кўшниникига чиқиб гап сотадиган аёл бўлмаган. Одамнинг қадрига етадиган одам бўлган. Ойбекни «Қутлуғ қон» асари қутқарган. Шунақа роман бўлмаганида Ойбек ҳам қамалаши ҳеч гап эмасди. Ўша пайтда бу асар қўлма-қўл бўлиб кетган.

(Давоми 8-бетда.)

Республика Саломатлик институти Фарғона филиали ҳамда Учкўприк туман соғлиқни сақлаш бўлими жамоалари
халқимизни Наврўз айёми билан қутлайди.

Эзгу орзу-ниятларингиз ҳамиша ижобат бўлсин!

ҲАМКАСБ

Сурур

Инсон умри мазмунини қиёслайдиган истиоралар кўп. Нега уни қўшиққа ўхшатиш мумкин эмас?! Агар шундай бўлса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Икром Ўтбосаров ҳозиргача бир қўшиқни куйламоқдаки, унинг оҳангидан тингловчилар мамнун. Эътироф этиш жоиз, И. Ўтбосаров бошидаёқ қўшиқни тўғри танлаган экан, уни газетачиликдан бошқа соҳада тасаввур қилиш мумкин эмас.

Олий таҳсилни тугатган ёш йигит республика болалар газетаси жамоасига тез сингишиб кетди. Филология соҳасида дорилфунун сабоқлари, ҳаёт тажрибаси, табиатидаги завқ ва фидойилик ёзган мақолаларининг пухта-пишиқ, ўқишли бўлишини таъминлади. Бу нашр кейинроқ миллион нусхалик чўққини забт этди. Албатта, бу ютуқда Икром ака тўла ҳуқуқли шерик.

Қалами роса тобланган журналист учун "Қишлоқ ҳақиқати" ("Қишлоқ ҳаёти")да ишлаб кетиш қийин бўлмади. Бу ерда, асосан, иқтисодиёт мавзусида ёзишга ихтисослашди. Газета топшириғи билан юртимизни кезиб чиқди, саноатчилар, деҳқонлар, чорвадорлар меҳнатини тараннум этиб, очерклар, лавҳалар, мақолалар ёзди. Улар бадиий пишиқлиги, саводли ёзилгани, чуқур таҳлилга асосланган билан ажралиб турарди.

"Халқ сўзи" газетаси ташкил бўлибдики, Икром Ўтбосаров бу обрўли нашрнинг дастёри. 17 йиллик умр жуда сермазмун ўтди бу даргоҳда. Шу йиллар орасида у моҳир журналист сифатида тўла шаклланди. Унинг маҳоратидан кўплаб ёшлар бахраманд.

— Агар Икромжон иштирок этмаса, газета чиқмай қолади, — деб ҳазиллашади ҳамкасблари. Бу самимий эътирофда бир чимдим ҳақиқат бор. Негаки, ҳар бир сонда у ёзган ёки таҳрир қилган нимадир бўлади.

Иқтисодиётнинг долзарб мавзуларида зўр мақолалар ёзган Икром Ўтбосаров ҳамон изланишда. Ишхона йўлагида сигаретни бурқситиб, тутунини чайнаб чекканча жиддий режалар устида бош қотиради. Янги-янги мавзуларни кашф этади. У бу масъулиятли соҳанинг илк қадамидаёқ топиб олган қўшиқни ҳамон баралла куйламоқда. Унинг бахти шунда, умрининг сурури шунда.

— Наврўз ўлкамизга бор фусункорлиги билан ташриф буюрган шу кунларда кўнгил ижод завқи билан жўшади, — дейди Икром ака ижодий режаларини ўртоқлашар экан. — Шу кунларда иқтисодиётимизнинг янги гигантлари, жумладан, Қашқадарё воҳасида очилаётган конлар ҳақида ҳароратли лавҳалар ёзишни мўлжаллаяпман. Эрта-индин сафарга жўнашни режалаштириб турибман...

Демак, газетхонлар бугуннинг нафаси уфуриб турган жўшқин лавҳалар билан тез кунларда яна бир бор ошно бўладилар.

Ҳаким МУҲАММАДИЕВ,
Курбон ЭШМАТ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ишончли ва сифатли хизмат

истиқболли ҳамкорликнинг бош шарти

«Асака» давлат акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилоят филиали иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва ёш оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Молиявий ресурсларни жалб қилиш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва уларга янги хизмат турларини тақдим этиш, банк нуфузини ошириш филиалнинг энг асосий вазифаларидандир.

Банк ўз фойдасини ҳисоб-касса хизмати, кредит бериш, валюта амалиётлари, кафолатлаш ҳамда бошқа молиявий амалиётлар орқали шакллантиради. Аҳоли ишончини ошириш, қизиқишини рағбатлантириш, ўз маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини таъминлаш, хизматлар сифатини янада яхшилаш банк истиқболини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

АҲОЛИ — БОШ САРМОЯДОР

«Асака» давлат акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилоят филиалида молиявий ресурсларни кўпайтириш учун янги депозит турларини жалб қилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Аҳоли инвестицион фаоллиги ошиши нақд пулнинг банкдан ташқари айланмаси қисқаришига, бу ўз навбатида, макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлашувига олиб келади. Бундай барқарорлашув эса аҳоли турмуш даражасини ошириб, фаровонлигини таъминлайди.

Аҳоли — бош сармоядор. Унинг банкларга бўлган ишончи ортиб боргани сайин банк хизматининг кенг кўламли тармоғини яратиш эҳтиёжи ҳам ортмоқда. Шундан келиб чиқиб, филиал жойларда янги-янги минибанклар очмоқда. Шу билан бирга, банк ходимларининг ҳар бир мижозга хушмуомалалик билан юқори савияли хизмат кўрсатишларига эътибор қаратиляпти. Филиал мижозлар учун қисқа муддатли омонат турларини таклиф қилиб келмоқда. Йилига 30%лик **«Бахтиёр ёшлик»**, йиллик 27%лик **«Соғлом келажак»**, фермер ва деҳқон хўжалиги учун йилига 30%лик **«Барака»** омонат турлари мижозларни кўпроқ ўзига жалб қилмоқда.

Пировардида, 2007 йил 1 январь ҳолатига омонатчилар сони 7555 та бўлса, 2008 йил 1 январь ҳолатига эса 9020 та бўлиб, 119,3 фоизга ошган. 2007 йилда филиалда омонатлар қолдиғи 4,4 млрд. сўмни ташкил қилган. 2006 йил ҳолати билан таққослаганда 1764,1 млн. сўмга ортганини кўриш мумкин.

2004-2007 йилларда аҳоли омонатлари қолдиғи динамикаси



ЁШ ОИЛАЛАРГА ЁРДАМ

Ҳукуматимиз ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. "Асака" банкнинг Тошкент вилояти филиали ҳам бу хайрли ишлардан четда тургани йўқ. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга қуйидаги мақсадлар учун истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш;
- уй-жой қуриш, таъмирлаш;
- уй хўжалигини йўлга қўйиш;
- мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш.

Шунингдек, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун "Асака" банк томонидан истеъмол кредитларини олиш учун бир қатор имтиёзли ички тартиблар ишлаб чиқилди:

- Ёш оилаларга истеъмол кредитларини ажратишда кредитнинг умумий суммасидан 12% устама тўланади, бундан ташқари, асосий қарзни қайтариш бўйича 6 ойлик имтиёзли муддат берилди.
- Ёш оила уй-жойни сотиб олгандан кейин ўз-ўзидан уни замонавий қилиб жиҳозлаш фикри туғилади. Бу борада ҳам талайгина ишлар амалга оширилди, яъни ёш оилаларга бир қатор имтиёзлар асосида истеъмол кредитини ажратиш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, «Асака" банкда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича нафақат истеъмол кредитлари, балки кредитларнинг бошқа турлари бўйича ҳам имтиёзлар яратиш борасида бир қатор ишларга қўл урилган.

ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ

Банкнинг Тошкент вилояти филиалида лизинг амалиётлари бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йил давомида жами 146,97 млн. сўм миқдорида лизинг хизматлари кўрсатилди. Бу хизматлар юридик ва юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритаётган шахсларга халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналар сотиб олиш, тиббий асбоб-ускуналар ва хизматлар кўрсатиш учун стационар бинони харид қилиш имконини беради. 2007 йил мобайнида лизинг хизматларининг 50%и медицина амалиётлари билан шуғулланаётган тадбиркор аёлларга кўрсатилди. Бу эса ҳукуматимиз томонидан тадбиркор аёлларни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилаётганлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Асака» банкининг Тошкент вилоят филиали 2008 йилда банк кредитлари, лизинг ва аҳолига бошқа банк хизматларини тез ва ишончли амалга ошириш ва шу билан банкнинг даромад келтирувчи активлари салмоғини оширишни устувор вазифа қилиб қўйди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

Филиал томонидан нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида пластик карточкалардан фойдаланиш доирасини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш натижасида филиалда 7 мингдан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда банк ғазналарига 95 та терминал ўрнатилди.

ДАТ «Асака» банк (ОАЖ) Тошкент вилоят филиалида

Ҳозирги кунда банк томонидан ойлик иш ҳақи тўловлари пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган ташкилот ва корхоналар сони 152 тадан ошиб кетди. 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра иш ҳақи лойиҳалари ўтган йилга нисбатан 27 тага кўпайди. Бугунги кунда филиал томонидан барча омонат кассалари ва минибанкларида коммунал хизмат тўловларини пластик карточкалар орқали тўлашни амалга ошириш учун терминаллар тармоғи кенгайтирилиб, уларнинг сони 12 тага етказилди. Бугунги кунга келиб, филиал савдо терминаллари орқали амалга оширилган пул айланмаларининг ҳажми 828,4 млн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2007 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 406,1 млн. сўмга ошган.

Пластик карточкалар орқали иш ҳақини оладиган корхона ишчи-хизматчиларига иш ҳақининг 3 ойлик ўртача даромади миқдорида ёки иш ҳақи миқдорининг 4 баробарида кредит тақдим этиш хизмати йўлга қўйилган. Тошкент вилоят филиалида пластик карточкалари орқали истеъмол товарлари сотиб олиш учун ажратилган кредит (овердрафт) миқдори 2008 йил 1 январь ҳолатига 20,7 млн. сўмни ташкил қилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳоли пластик карточкалар пул тўлашнинг қулай усули эканлигига ишонч ҳосил қилмоқда. Шу билан бирга юртдошларимиз пластик карточкалар даромадларини ошириш, пировардида, халқ хўжалигимиз ва иқтисодиётимизни ривожлантиришга, банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартиришга хизмат қилувчи молиявий восита эканлигини тушуниб етмоқдалар.

Ислом СУЛТОНОВ ®



БРИТАНИЯДА ТАМАКИ САВДОСИГА ҚАРШИ ТАҚИҚ

Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазирлиги тамаки маҳсулотларининг дўкон ва супермаркетлар пештахталарига қўйилишини тақиқламоқчи. Агар бу тўғридаги қонун қабул қилинса, чекувчилар сотувда қандай сигарет борлигини сўрашлари керак бўлади. Тамакининг пештахта ости савдоси Австралия ва Канаданинг айрим штатларида жорий этилган.

The Telegraph газетаси ёзишича, ушбу қонун бўйича муҳокамалар май ойида бошланади ва уч ойга яқин давом этади. Йил охирига бориб эса лойиҳа қабул қилинади ва кучга киради. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Дон Примаролонинг фикрича, ушбу чора-тадбир болалар ўртасида чекишни камайтиришга ёрдам бериши мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 15 ёшда чекишни бошлаган ўсмирлар тамакига кечроқ ўрганганларга қараганда саратон касаллигига бир неча баравар мойилроқ бўлади.

Ўтган йилнинг июлида Буюк Британияда жамоат жойларда чекишни ман этувчи қонун кучга кирди. Дастлабки тадқиқотларга қараганда, шундан кейин чекувчилар миқдори 24 фоиздан 22 фоизга қисқарди.

ФРАНЦИЯ: ДУНЁДАГИ УЧИНЧИ СУПЕРКОМПЬЮТЕР



Яқин кунларда Францияда сониясига миллионлаб амалларни бажаришга қодир бўлган суперкомпьютер ишга туширилади. Айни пайтда Илмий тадқиқотлар миллий маркази (CNRS) бу борадаги изланишларни давом эттирмоқда. Ушбу қудратли қурилма экология, кимё, биология, астрофизика каби илм-фан йўналишларида мураккаб ҳисоб-китобларни олиб бориш имконини беради. Шу тариқа Франция компьютерларнинг илмий соҳадаги имкониятлари борасида Европадаги етакчи давлатга айланади.

Айни пайтда Орса шаҳрида сақланаётган компьютер қуввати 207 терафлопдан ошади. Яъни ҳисоблаш машинаси ҳар сонияда 207.000 миллиард амалиётни бажара олади.

Бунга қадар АҚШ ва Германияда бу каби қудратли суперкомпьютер ишлаб чиқарилган эди. IBM France фирмаси билан биргаликда тайёрланган янги маҳсулот дунёда учинчи саналади.

Франция олий таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Валери Пекресснинг маълум қилишича, Европа ахборот тармоғига уланадиган янги компьютердан мамлакатдаги давлат ва нодавлат илмий муассасалар тадқиқотчилари фойдаланишлари ва изланишларини бойитишлари мумкин.

2004 йилнинг майидан бошлаб Европада DEISA (Distributed European Infrastructure for Supercomputing Applications) лойиҳаси амалга оширилмоқда. Франция томонидан бошқарилаётган дастур Европанинг турли давлатларидаги суперкомпьютерларни ягона тармоққа бирлаштиришни кўзда тутади. Айни пайтда ушбу тармоққа етти давлатнинг 11 та қудратли машинаси уланган.

Янги суперкомпьютерни ишлаб чиқариш учун тўрт йил муддат керак бўлди. Ушбу ихтиро учун 25 миллион доллардан ошиқроқ маблағ сарфланди. Суперкомпьютер оддий ҳисоблаш машиналари амалга ошира олмайдиган мураккаб операцияларни бемалол бажара олади. Масалан, иқлимшуносликда глобал исиш энг муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Янги технология ҳаво ҳарорати ўзгаришининг миллиардлаб вариантларини ҳисоблаб, таҳлил қила олади. Ёки астрофизик олимлар ушбу ихтиро ёрдамида янги юлдузлар ва галактикаларнинг юзага келишини моделлаштириш имконига эга бўладилар.

ХОРВАТИЯДА... ШОКОЛАД ҚАСР

Хорватия пойтахти Загреб шаҳрида дунёдаги энг баланд деб ҳисобланаётган шоколад қаср бунёд этилди. Баландлиги уч метрдан ошган "иншоот"-ни қуриш учун 10 тонна оғирликдаги 100 минг донадан кўпроқ шоколад керак бўлди. Қаср майдони 14 кв. метрни ташкил этди.

Бино пойтахт марказида Крунослав Будиселич томонидан бир сутка давомида қуриб битказилди. Қаср кўплаб томошабинларга намойиш этилганидан кейин қисмларга бўлган ҳолда сотиб юборилди. Мазкур хайрия тадбиридан тушган маблағ ногирон спортчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида сарфланди.

ҲИНДИСТОНЛИК РЕКОРДЧИ МУСАВВИР

Ҳиндистонлик мусаввир Мақбул Фида Ҳусайннинг "Ганг-Ямуна" деб номланган асари Нью-Йоркдаги Christie's аукционида 1,6 миллион долларга сотилди. Асар 1971 йили ишланган. Бу ҳиндистонлик мўйқалам усталари фаолиятидаги рекорд натижа ҳисобланади.

Замонавий ҳинд тасвирий санъатининг пешқадам вакили бўлган Мақбул Фида Ҳусайн 92 ёшда. Айрим маълумотларга қараганда, у айни пайтда Яқин Шарқдаги давлатлардан бирида истиқомат қилади.

Кимошди ўтаётган пайтда ҳиндистонлик миллатчилар гуруҳи Ҳиндистонда мусаввирга қарши жиноий иш қўзғатилганини асос қилиб унинг асарларини савдодан олиб ташлашни талаб қилиб



чиқишди. Бир неча йил аввал Мақбул Фида Ҳусайн Ҳиндистон давлати яланғоч маъбуда шаклида тасвирланган сурат ишлаган эди. Ушбу сурат мамлакатдаги турли диний жамоалар томонидан кескин танқид қилинди.

ЛИВАН: САЙЛОВ 17 БОР ОРТГА СУРИЛДИ

Ливан парламенти спикери Набих Берри мамлакатдаги ички вазият ҳамон беқарор бўлиб қолаётгани туфайли президент сайлови муддати яна ортга сурилганини маълум қилди. Бу сайлов кунининг ўн еттинчи марта ўзгартирилишидир.

Айни пайтда Ливан сиёсий инқироз ҳолатини бошдан кечирмоқда. Мамлакат қонунчилигига кўра, президент парламент томонидан сайланиши керак. Бироқ ўтган йилнинг 24 ноябридан буён бўш турган давлат раҳбари лавозимига ҳозиргача муносиб номзодни сайлаш имкони бўлмаяпти.

Ливан парламенти ҳал эта олмаган ушбу масала яна саноқли кунлардан кейин Сурияда ўтадиган умумараб саммитида муҳокама этилиши кутилмоқда.

Ливандаги сиёсий беқарорликка амалдаги ҳукумат ва мухолифат ўртасидаги келишмовчилар сабаб бўлмоқда. Айни пайтда давлат раҳбари йўқлиги туфайли ушбу вазифани бош вазирнинг ўзи бажариб турибди. Мухолиф гуруҳлар эса буни ноқонуний деб баҳоламоқда. Таҳлилчиларга кўра, амалдаги ҳукуматни Ғарб давлатлари қўллаб-қувватлайди. Мухолифат эса қўшни Эрон ва Суриядаги сиёсий кучлар ёрдамига таянади.

ОЛИЙ СУД РАИСИ ОЗОД ҚИЛИНДИ

Покистоннинг янги бош вазири Юсуф Ризо Гилони мамлакат Олий суди раҳбари Ифтихор Муҳаммад Шодрини уй қамоғидан халос этди.

Ифтихор Муҳаммад Шодри ва бир қанча юқори лавозимли ҳуқуқшунослар 2007 йилнинг ноябрида ишдан бўшатилган ва уй қамоғига ҳукм қилинган эди. Улар Покистон президенти Парвез Мушаррафнинг ушбу вазифада қолиши мамлакат қонунларига зид деган фикрда эдилар.

Бу Ифтихор Муҳаммад Шодрининг бош вазир сифатидаги дастлабки қароридир. У жорий йилнинг 24 мартида Миллий ассамблея томонидан ҳукумат раҳбари лавозимига сайланди.

СЕРБИЯ СОБИҚ БОШ ВАЗИРИ ҒАРБДАН НОРОЗИ

Сербиянинг собиқ бош вазири Воислав Коштуница Ғарб мамлакатларини гуманитар миссия ниқоби остида Югославия ерларини эгаллаб олишда айблади. Ушбу фикр НАТО томонидан Югославия ҳарбий ҳаво кучларига қарши операциялар бошланган кун муносабати билан ўтказилган тадбирда тилга олинди.

Собиқ ҳукумат бошлиғи НАТО томонидан амалга оширилган ҳужумдан кўзланган мақсад Косово ўлкасини мустақил деб эълон қилиш эканини таъкидлади.

Воислав Коштуница Косово парламенти ўлкани мустақил деб эълон қилганидан бир неча ҳафта ўтиб истеъфога чиққан эди. Бунга эса ҳукуматда вазирларнинг Европа Иттифоқи билан келгуси алоқалар борасида ягона тўхтамга кела олмаганлари сабаб бўлди. Пировардида мамлакат парламенти тарқатиб юборилди, жорий йилнинг майида навбатдан ташқари сайлов белгиланди.

ТАФСИЛОТ

Жазога муносиб... қизиқиш

Давлат департаментининг махфий ахборот базасига рухсатсиз кирган ходимлари ишдан бўшатилди

Америкада президент сайлови номзодлари ўртасида кураш кетаётган бир пайтда кутилмаган воқеа рўй берди. Бу ҳодиса Давлат департаментининг уч нафар ходими жазоланишига сабаб бўлди. Пировардида Давлат котибининг ўзи номзодлардан бири Барак Обамадан узр сўради. Буларнинг барчаси Давлат департаменти ходимлари президентликка номзодларнинг шахсий ҳаётига доир махфий маълумотлар базасига рухсатсиз кирганидан кейин содир бўлди.

Маълум бўлишича, Америка ташқи сиёсат маҳкамаси консуллик бўлимида шартнома асосида хизмат қилувчи уч нафар ходим президентликка номзодлар Барак Обама, Жон Маккейн ва Ҳиллари Клинтоннинг шахсий маълумотлар архивига кирганлар.

Қизиқувчан ходимлар томонидан кўздан кечирилган файллар орасида номзодларнинг туғилган жойи, оилавий аҳволи, жисмоний хусусиятлари, фаолият йўналиши хусусида маълумотлар бўлган. Бундан ташқари, архивда номзодларнинг молиявий ва тиббий ҳисоботлари ҳам сақланган. Маълумотлар базасида суғурта полисларининг рақамлари ҳам бўлгани айтилмоқда (Ушбу рақамлардан бохабар бўлган ҳуқуқбузар номзодга тегишли маблағни бемалол бошқа шахснинг кредит картасига ўтказиши ҳам мумкин). Айтиш керакки, мазкур маълумотларнинг аксарияти махфий тарзда сақланади, улардан рухсатсиз фойдаланиш эса қонунчилик ва фуқароларнинг шахсий дахлсизлигига зиддир.

Давлат департаменти расмий вакили Шон Маккормакнинг таъкидлашича, ходимлар одатий қизиқиш туфайли махфий маълумотларни кўздан кечиришган. "Жабрланувчилар" эса мавжуд вазиятни жиддий текшириш кераклигини талаб қилишмоқда. Номзодларнинг ушбу ҳодисани ташвиш билан қабул қилаётгани бежиз эмас. Чунки мазкур иш ортида уларнинг рақиблари ҳам турган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Юқорида зикр этилганидек, махфий маълумотларни рухсатсиз кўздан кечирганлар шартнома асосида фаолият юритиб келган ходимлар эди. Мазкур тафсилот ошкор этилганидан кейин матбуот улар аслида қайси компанияда фаолият юритишига қизиқа бошлади. Шу тариқа интизомсиз ходимлар қайси компаниялар учун ишлаши аниқланди. Маълум бўлишича, улар бевосита демократик партияга алоқадор бўлган компанияларда ишлаганлар.

Ноқонуний хатти-ҳаракати туфайли ишдан ҳайдалган икки нафар ходим Stanley Inc. компаниясида фаолият юритган (ушбу компания яқиндагина Давлат департаменти билан беш йилга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 570 миллион долларлик шартнома имзолаган). Stanley Inc.нинг раҳбари Филип Нолан Ҳиллари Клинтоннинг тарафдори, у сайловолди кампания учун маълум миқдорда маблағ ҳам ажратган.

Шубҳали қизиқиш туфайли ҳайфсан олган учинчи ходим эса The Analysis Corporation (TAC)да меҳнат қилган. Мазкур компания раҳбари Жон Бреннан Барак Обама номзодини ёқлайди ва молиявий қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, ташқи сиёсат борасида номзодга маслаҳатлар ҳам бериб туради.

Жамоатчилик томонидан фаол муҳокама этилаётган ушбу ҳодиса сиёсий доираларга ҳам етиб борди. Махфий маълумотларни ноқонуний кўздан кечирганлик ҳолати учун Давлат котиби Кондолиза Райс президентликка номзод Барак Обамадан кечирим сўради.

— Рўй берган ҳодисадан таассуфдаман. Агар архивимга кимдир назар ташласа, бу менга ҳам ноқулай бўлиши табиий эди, — деди Давлат котиби телефон орқали мулоқот чоғида.

Бундан ташқари, у Давлат департаменти ходимларини махфий маълумотларни сақлашга жиддий ёндашиш кераклигини ҳам эслатиб ўтди.

Ҳозирча уч нафар ходим номи жамоатчиликка ошкор этилганича йўқ. Бу қайсидир сиёсий гуруҳлар буюртмаси учун махфий маълумотларни олишга уринишми? Ёки шунчаки қизиқиш ортидан қилинган қоидабузарликми? Бу борадаги муҳокамалар давом этмоқда.

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НИГОҲ

"Сўзимдан англа ўзимни"

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари шахсияти юзасидан мулоҳазалар

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб, соғингайсен ўзумни.
Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Буюк бобокалонимиз ҳаётини муфассал ўрганган ва мукаммал тарихий-биографик асар — "Зафарнома"ни яратган Шарафиддин Али Яздий бир ўринда ул буюк зот ҳақида шундай ёзган экан: "...ҳазрат Соҳибқирон шундай бир мулк (подшоҳлик, ҳукмдорлик) эгасидирки, у фаришталарнинг Аллоҳга мурожаат этиб, "Бузуқчилик қилувчи ва қонлар тўкувчи кимсани яратасанми?" саволига жавобан Парвардигорнинг "Мен ерда бир халифа (ўринбосар, вакил) яратаман" деган иноятига каромат қилинган сарвар (етакчи, йўлбошчи)дир. Унга ўзининг олдиндан билиш ва кўриш фазилати туфайли баҳри барр (сувлик ва қуруқлик)да эгалик қилишга қудрат берилган".

Менимча, бу эътироф шарафли аждодимиз шаънига айтилган жами сифатларни ўзида қамраб олади. Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур ўз давридаёқ барча доираларда "Сайф ул-Аллоҳ" (Аллоҳнинг қиличи), "Сайф уд-дин" (Диннинг қиличи) деб улуғланган эдилар.

Шубҳасиз, ана шундай муҳташам ва маҳобатли зотнинг шахсияти (ўзига хос бўлган ташқи ва ички олами) замонлар оша афкор оммани қизиқтириб келган. Шу қизиқиш ҳосиласи ўлароқ кўплаб афсоналар, ривоятлар яратилган. Гарчи уларда жиндак ҳақиқат унсурлари бўлса-да, шарқона хаёлот ва уйдирмалар ила пардозланганидан уларни тарихий далил сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бу ҳикоятлар бобокалонимиз ҳақида у ёки бу даражада тасаввур бериши мумкин.

Агар масалага аниқ нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, унинг муаммоли, мураккаб ва чигал томонлари кўплиги маълум бўлиб қолади. Бу ҳолатни ўша замон тарихчилари ҳам, ҳозирги замон тадқиқотчилари ҳам қайд этганлар. Бу, аввало, Шахс феъл-атворининг фақат ўзига хослиги, бошқа бирор зотга ўхшамаган ички дунёси ва фаолияти (унинг камёблиги ва ягоналиги ҳам шунда), ўз тўпидан баланддалиги ҳамда юксаклиги билан ўлчанадиган нодир хусусиятлари билан белгиланса, иккинчи тарафдан замондошларнинг Соҳибқироннинг маишати, дид-саъжияси, шахсий турмуш тарзи ва бошқа ички ўзига хос томонлари ҳақида махсус ёзиб қолдирмаганлари билан изоҳланади. Балки у даврларда бундай тадқиқотлар яратиш урф бўлмагандир ёки ҳеч ким жазм қилмагандир ёхуд ҳамон ўшандай асарлар асрлар ғубори ичра кўмилиб ётиб, ҳозиргача топилмагандир. Бу тарих кашфиётига ҳаддан ташқари қизиққан шўро тадқиқотчилари ҳам ҳатто қўлга илинадиган далилларга кам дуч келганлар чоғи М.Герасимов 1947 йилда "Биографлар унинг буюк юришларини тасвирлашда жами ранглардан фойдаланганлару, ташқи кўриниши юзасидан жуда кам маълумот қолдирганлар. Борлари ҳам зиддиятли ва мавҳум", деб ёзғирган экан.

Шахсият билан боғлиқ маълумотлар ўша давр асарларида яхлит ҳолда эмас, сочма тарзда учрайди. Соҳибқирон билан юзма-юз учрашган Ибн Халдун, Клавихо, Ибн Арабшоҳ, Иоан ва бошқалар, шунингдек, бобомизнинг замондошлари ўз хотираларида ул зотнинг ташқи кўринишини йўл-йўлакай тасвирлаганлар, саройнинг маиший ҳаёти (асосан зиёфатлар баҳонасида) юзасидан далиллар келтирганлар, бирор аниқ воқеа муносабати билан ҳазратнинг руҳий ҳолати (шодлиги, ғам-ғуссаси, ғазаби)ни қайд этганлар. Атрофда кечган буҳронли ҳаёт, кескин вазиятлар инсон ва ҳарбий лашкарбоши, давлат арбоби ва илм-фан, санъат ҳомийси сифатида фахрли аждодимизнинг шахсий фазилатлари ҳақида мулоҳаза юритишга изн беради.

Бир ҳолни истисно қилиш керакки, Амир Темур даврининг буюк воқеаси эди ва, бугунги назар билан айтганимизда, неча юз йиллар тақдирини ҳал қилувчи шиддатли ўзгаришлар ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида пайкон ўқларидек унинг теграсида шувиллаб учарди ҳамда, не саодатки, ўшандай таҳликали дамларда ҳам чақмоқдек Ақл тўғри ечимлар топишдан адашмаган эди. Бобомиз шахсиятидаги жами унсурлар ўша Буюк Ақлга хизмат қилган ва замон сўроқларига асрлар тақдирини белгилаб берган тўғри жавоблар топилган. Бу мавқе шунчалик баландки, унинг моҳиятини "Буюк Темур" деб аталган икки рамзий сўз нисбатан ифодалаши мумкин ва бу чўнг ҳақиқат қаршисида Шахсга берилган жами таърифлар нисбий бўлиб қолаверади.

Шуни эътироф этиб, қайд қилиш лозимки, Соҳибқирон васфи ўз даврининг даҳолари қалами ила куйланмаслиги мумкин эмас эди. Бу борада, ҳақиқатан, давомий (узлуксиз) занжир мавжуд. "Зафарнома"нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий тўрт ёшли болакай Алишерни манглайидан ўпиб, ёруғ иқбол тилаган чол-да. Алишер Навоий ижодида бу муборак мавзунинг акс этмаслиги ёки ҳира акс этиши мумкин эмас. Ҳозирча биз даҳо шоиримизнинг Соҳибқирон ҳақида "...агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар..." деб бошланувчи изҳорини аксарият такрорлаймиз. Бинобарин, сўз султони нафис абадиётга бағишланган махсус асарининг ижодкор Темурий шаҳзодаларга аталган алоҳида фаслини ихлос ва эҳтиром билан Соҳибқирон номи билан бошлайдими, демак, бунинг замирида теран меҳр яширин. Шоир ижодида бу буюк зот тимсолига кўп бора мурожаат қилгани шубҳасиз. Оддий бир қайд: Фарҳод образини кўп тадқиқотчилар Навоийнинг идеали, ҳатто ўзининг тимсоли, деб талқин қиладилар. Ана шу суюкли қаҳрамон севгилиси Ширинниng юрти Арманистонда тоғ қазиб, ариқ ўтказади. Ободончилик ишларини амалга оширади. Тарихда шундай иш қилган бизнинг бирор қондошимиз борми? Бор. Бу — Амир Темур ҳазратлари. Соҳибқирон Тоғли Қорабоғда бир неча қишни ўтказган. Бу заминда ариғ ("Барлос ариғи") қазиб, кўплаб олий иншоотлар барпо этган. (Бу ёғини шарҳлаш муҳтарам адабиётшуносларимизга ҳавола). Ёки Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Султон Жалолиддин ва бошқалар бошлаган озодлик курашини ҳам охирига етказди! Синд дарёси бўйида шафқатсиз таҳқирланган, лекин иродаси букилмай курашни давом эттирган ва бу йўлда маҳв бўлган Султон Жалолиддиннинг орини душмандан ким олди? Албатта, Амир Темур ҳазратлари! Масалага ёндашувда ана шундай кенг миқёс талаб этилади.

Шубҳасиз, Шарқ осмонининг порлоқ юлдузларидан бири, Соҳибқироннинг тўғридан-тўғри зурриёди Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва авлодлари таржимаи ҳолида шавкатли бобокалонларининг шукуҳи акс этмаслиги мумкин эмас эди. "Бобурнома"да муаллиф фахр билан "Темурия салотини дастури била тўшак устида (яъни тахтда) ўлтурур эдим", деб ёзганди. Ўғли Муҳаммад Ҳумоюнга битган хатида "Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади" дея таъкидлаганди. Булардан ташқари ҳам асарда ҳазратнинг муборак номи кўп бора тилга олинади.

***

Маълумки, мемуар асар ёзиш анъанасини Амир Темур ҳазратлари бошлаб берганлар. "Темур тузуклари" шавкатли отанинг фарзандларга йўл-йўриғи, ҳаётий дастуридир. "Бобурнома" "Темур тузуклари"нинг мантиқий издоши, давлат арбоби ва саркарда изҳорининг дилбар шоир қалби нафосати билан оролланган, мукаммаллашган шаклидир. Албатта, "Темур тузуклари" Соҳибқирон шахсиятини ўрганишда таянч манба ҳисобланади. "Бобурнома"да эса муаллиф кўплаб замондошлари ҳақида ипга тизилган маржондек аниқ-тиниқ маълумотлар берган. Бу жиҳатдан Бобур Мирзо танлаган услубни тан олмасдан илож йўқ. Биз ҳам, аввало, тайёр анъаналарни истеъфода этиш, кейин эса авлодларнинг ўзаро меҳрига қуллуқ қилган ҳолда Соҳибқирон ҳазратлари шахси ҳақидаги қўлга киритилган маълумотларни "Бобурнома" услубида баён этишга аҳд қилдик. Бегараз саъй-ҳаракатларимиз очиқ кўнгиллик билан қабул қилинади, деб умид қиламиз.

"Бобурнома"да муаллиф ўз тақдири (асосан, тахтни қўлга киритиш ва салтанат юритиш)га бевосита алоқадор бўлган Темурийлардан Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд (отасининг акалари), Бойсунқур Мирзо (Самарқанд тахтини ундан олган)лар ҳамда Султон Ҳусайн (Бойқаро) Мирзони ҳар томонлама тавсифлайди. Уларнинг ҳар бирининг 1) валодат ва насаби; 2) шакл ва шамойили; 3) ахлоқ ва атвори; 4) масоф ва урушлари (масофлари); 5) вилоёти; 6) авлоди; 7) хавотин ва сарори; 8) умароси (амирлари); 9) судур (бошлиқлари); 10) вузаро (вазирлари); 11) шуаро (шоирлари)га муфассал таъриф беради (9-11 тоифалар Султон Ҳусайндагина мавжуд. Бойсунқурда 1-4 тоифа). Изоҳларнинг лўнда, аниқлиги, ифоданинг ёрқинлиги кишини лол қолдиради. Шахсларнинг бўй-басти, кийими, эътиқоди, ҳарбий ҳаёти, оиласи, фарзандлари мухтасар қайд қилиб ўтилади.

Албатта, Соҳибқирон Амир Темур шахсиятининг қўламидан келиб чиқилса, Бобур қўллаган 11 банднинг ҳар бири юзасидан тўла китоб ёзиш мумкин. Қолаверса, ҳазратнинг валодат ва насаби (1), масоф ва урушлари (4), вилоёти (5), авлоди (6), хавотин ва сарори (7) юзасидан шу сатрлар муаллифининг "Ҳазрат Соҳибқирон" (2005 йил) ва "Олтин силсила" (2006 йил) китобларида ва бошқа асарларда имкон даражасида ҳикоя қилинган. Демак, бу гал нисбатан кам эътибор қаратилган жиҳатларга баҳоли қудрат тўхталиб ўтамиз. Бунда қўлимиздаги манбалар бизга ҳамдаст, ҳампоя бўлади.

ШАКЛ ВА ШАМОЙИЛ

Ўз замонасида "араб дунёсининг шайх ур-раиси", "машрику мағриб тарихининг билимдони" деб улуғланган Валиуддин ибн Халдун Соҳибқиронни 65 ёшлигида кўришга муяссар бўлган. Унинг таърифи қуйидагича: "Темур баланд бўйли, қоматдор, боши катта, кенг пешонали киши эди. Жисмонан ниҳоятда кучли, бадани оқ, юзи қизил, бармоқлари йўғон эди. Соқоли ҳилпиллаб турарди. Нигоҳи чақноқ, овози жарангдор эди. Темур ўлим ваҳимаси нималигини билмай, маънавий ва жисмоний кучини тўла сақлаган ҳолда етмиш ёшга кирди". ("Курьер ЮНЕСКО", 1966 йил, № 6).

Ибн Арабшоҳ (1389-1450) аниқ далилларга, балки ўз кўрганларига асосланиб, Соҳибқироннинг суратини шундай чизади: "Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, у гўё қадимий амолика (паҳлавонлар) авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қаддиқомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли ногирон, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; у ўлимдан қўрқмас, ёши саксонга кетаётган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич тош мисоли қаттиқ эди".

Кўриниб турибдики, иккала шоҳиднинг таъриф-тавсифи бир-бирига яқин, уларни ўқигач, кўз олдимизга бўйи 2 метрдан кам бўлмаган, мукаммал қоматли паҳлавон гавдаланади. Гарчи 26 ёшида олинган жароҳат асари гавданинг ўнг томонида қолган бўлса-да, қўл меъёрида ишлаган, фақат ўнг елка бироз паст бўлган. "Темур виқор билан отда ўтирганда бу нуқс асло сезилмас, аксинча, чап елканинг баландлиги унга ўзгача салобат бағишларди", деб ёзади тарихчилар.

АХЛОҚ ВА АТВОР

Барча даражадаги муаррихлар ҳазратнинг эътиқодда комил эканликларини фахр билан қайд этганлар. Болаликдан исломий муҳитда улғайган Соҳибқироннинг устоз ва пирлари жамиси ҳанафия мазҳабида бўлиб, ўзлари ҳам шу мазҳабда эдилар ва барча ҳаракатларида ҳанафия талабларига амал қилганлар. Ўзларига маънавий пир сифатида саййидзода Саид Баракани ва хуросонлик Зайниддин Тайободийни танлаган эдилар. Шайх Шамсиддин Кулол оиланинг яқин кишиси ва пири бўлиб, ҳазратга исм қўйган ҳамда ёруғ камолидан башорат қилган эди.

Бобомиз гарчи фаолиятларида сиёсат ва диннинг мавқеини аниқ тайин қилган, уларни аралаштириб ёки қўшиб юбормаган бўлсалар-да, диндорларга чуқур ҳурмат билан қараганлар, уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутганлар. Умрлари бўйи диний авлиёлар, уламоларнинг равзаларини обод қилишга катта эътибор берганлар (жумладан, Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий қабри устига маҳобатли бино қуришни амр этганлар). Ўзлари ҳам диний арконларга тўла амал қилганлар. Сафарлар асносида ҳар доим ўғруқда кўчма ёғоч масжид олиб юрилган. Соҳибқироннинг бу борадаги тамойилини ўз сўзлари билан бундай ифодалаш мумкин: "Давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим".

Мадраса таҳсилини олган, ўз даврининг етакчи олимларини суҳбатдош тутган Соҳибқирон бобомизнинг урфоний салоҳиятлари нақадар эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Адабиётдан қанчалик бохабар эканликларини Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"да келтирган ҳикояси орқали биламиз. Ўшанда ваҳимага тушиб, Қуръон тиловатига жаҳд қилган кишига қарата айтилган "Абдол зи бийм чанг бар "Мусҳаф" зад" (Гуноҳкор қўрққанидан Қуръонга чанг солди) мисраси 967-1049 йилларда яшаган форс шоири Абусаид Абулхайрнинг рубоийсидан экан.

Ҳаким САТТОРИЙ

ІІМ "УРАНГЕОЛОГИЯ" ДК

жамоаси

азиз халқимизни уйғониш ва нафосат айёми бўлмиш Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайди. Баҳорий кайфият ҳеч қачон Сизни тарк этмасин. Ватан равнақи йўлидаги ишларингизда, шунингдек, бошқа эзгу ниятларингизни амалга оширишда куч-қувват ва омад ҳамиша ёр бўлсин!

Баҳор,
янгиланиш ва
яшариш фасли
муборак бўлсин,
азиз гортдошлар!

Устоз Шукур Холмирзаевнинг таваллуд куни арафаси. Унинг устозу шогирдлари, мухлислари тўпландик. Мақсад — устозни хотирлаш, руҳини шод қилиш. Қаерда ўтказамиз? Биримиз туғилган хонадонида десак, бошқамиз ўқиган мактабида дедик. Бойсун Чорчинори тагида, Амир Олимхон меҳмон бўлган жойда дегувчилар ҳам бўлди. Ахийри Шукур аканинг табиат қўйнида бўлишни яхши кўриши асос бўлиб, тадбирни устоз ҳар сафар келганида суҳбат қургич арча тагидаги Кийиккўз булоғида ўтказдик...

Тугдонага айланган умр

Зовбошидаги Қоплондара. Тоғ кийиги кўзларини эслатувчи Кийиккўз булоғи. Булоқ суви тиниқ ва ширин. Суви нишабликка оқсада, ерни ювиб кетмаган. Булоқ бошида катта арча. Арча тагида устоз Шукур ака бошчилигида қурилган супа...

Хотира суҳбатида ҳамма устознинг ибратли хислатлари ҳақида гапирди. Устоз ҳеч қачон бировнинг ишига, лавозим — мартаба эгаллашига аралашмаган. Ўзи-да каттароқ мансабни кўзламаган. Дилида бор гапни лозим бўлса мартаба, бойлигидан қатъи назар юзига айтган. Суҳбат давомида устознинг хушомадни билмаган инсонлиги такрор-такрор эсланди. У киши, доно, билимли, яхши ҳунари бор одам хушомадни билмайди, лавозимга қизиқмайди, дегич эди.

* * *

Бойсун тоғлари орасида янги ташкил бўлган давлат хўжалигида ишлар эдим. Устоз шу хўжаликда меҳмон бўлганларида яқиндан танишганман. Мен ўйлагандек башанг кийинмаган, лекин кийимлари қоматига жуда ярашган, димоғдор шаҳарлик эмас, Бойсун қўнғиротчасида сўзлашадиган оддий инсон... Олдинроқ яқиндан танишганимдан суҳбат давомида афсусланганман.

Шукур ака ўша пайтлари хўжаликда бўлиб "Йўловчи" романини оққа ёзиб бошлаган эди. Гумматак сой бўйидаги дала ҳовлида танҳо туриб ёзардилар. Ҳатто яқинлари билан ҳам бир кунда бир марта, фақат кечқурун суҳбатлашишга рухсат бериларди. Таомларни ҳам ўзлари тайёрлагич эди.

Бир куни суҳбат орасида "Хидир, ёзганларингни кўрсатмайсанми?" деб қолдилар. Ўша кезлари "Отлар", "Қушлар", "Кийиклар" лавҳаларини ёзиб юрган эдим. Эртаси куни қўлда ёзган қораламаларимни кўрсатдим. "Қушлар" туркум лавҳалардаги "Она меҳри" лавҳасини ўқиб чиқиб, "Хидиржон, тўғри йўл топибсан, лавозимиинг вақтинча, кўпроқ ёзавер, аммо партияни қўшма. Партия вақтинча, ўтиб кетади, ишонма", дедилар. Мени мисоли электр токи урди. Наҳотки, шундай катта ёзувчи партияга ишонмайди, деб ўйладим. Лекин шундан сўнг устозни кўпроқ эшитадиган бўлдим. Қадриятлар, ўтмиш, тил ҳақида жуда кўп нарса билмаслигимни англадим.

Бир куни "Хидирбой, ойнанайин, кийиклар, бургутлар, тоғ мўмиёси ҳақида ёзибсан. Жойлашган жойларини аниқ ёзмагин", дедилар. Мен ҳайрон бўлдим. Бу ўгитлар мағзини кейинроқ тушундим.

Устознинг "Хидирбой, ойнанайин сендан. Ёзаётган ўзимизни қадимий атамаларимизни ўзгартирмай ёз", деган гаплари ҳеч эсимдан чиқмайди. Мана, ёввойи чўчқа дейишарди. Боболар суҳбатида у қора кийик, эркагини – тўнғиз қобони, урғочиси – тўнғиз мегажини, янги туғилган боласини – чурпа дейилса, қўйлар ҳақида "қўй, совлиқ, тусоқ, шишак, чори, панжи, монғи", дейишарди. Эчкилар ҳақида бўлса, эчки, така, сарка, чибич, кўсам сарка, монғи сарка, шанғи сарка ва ҳоказо шунга ўхшаш қадимий атамаларни мисол келтирган эди.

Адиб "Тоғларга қор тушди" эссесини ёзиб, собиқ "Қўрғонча" давлат хўжалиги ҳақидаги тарихий воқеани абадийлаштирди. Эсседа менинг ёзган лавҳаларим ва ўзим ҳақимда фикрлар айтган бўлсалар, "Қуёш-ку, фалакда кезиб юрибди" эссесида Мисир образида ҳам каминанинг фаолияти ҳақида ёзади.

* * *

Устознинг олтмиш йиллик юбилейи шодиёнасига туман номидан қатнашиш менга насиб қилганди. Шунда мен Шукур Холмирзаев ҳақида бир ўхшатиш айтган эдим. Бойсунда Омонхона деган жой бор. Унинг мўъжизакор хусусиятларини қаламда элимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов, мўйқаламда эса Рўзи Чориев тасвирламаса, бу менинг қўлимдан келадиган иш эмас. Шу муқаддас булоқ бошида катта тошкамар бор. Тошкамар усти қора яхлит тошдан иборат. Уни замонавий пармалагич теша оладими-йўқ билмадим. Лекин шу қора тошни тешиб бир туп мўъжизали туғдона дарахти ўсади. Туғдона дарахти ёз иссиқ келадими, қиш жуда совуқ келадими, ҳар баҳорда гуллайди, мева беради. Мен Шукур ака ҳаёти ва ижодини шу мўъжизали туғдона дарахтига ўхшатаман.

Ҳозиргидек эсимда. Устоз охирги сафар Бойсунга келганларида мени излаган экан. Қариндошлари ҳам йиғилишган эди. Қучоқ очиб саломлашдик.

— Ойнанайин, Хидирбой. Онамнинг қабрини атайлаб зиёрат қилгани келдим. Яна келоламанми-келолмайманми билмайман, — деб қолдилар.

— Э, қўйинг, бунақа гапларни, ҳали жуда кўп келасиз. Тоққа чиқамиз. Қоплондарадаги гулхан ёққан камарингизни кўрамиз. Бугунги келишингизга бошқа сабаблари борга ўхшайди-ку, — дедим.

— Ҳа. Бошқа сабаб ҳам бор! Менинг ижодий фаолиятимни кино қилишга ҳукумат пул ажратибди. Хурсанд бўлганимдан киночиларни ҳам олиб келавердим. Ёзган эсселаримни жамлаб китоб қилиш ниятим ҳам бор. Буни биласиз, — деди.

Устоз расмга тушишни кўп ҳам хуш кўрмасди. Шу куни қариндошлар даврасида, устозлару шогирдлари, мухлислари билан кўп-кўп расмга тушди. Ҳазрат Султони Валий мақбарасини зиёрат қилди. Муқаддас Омонхона булоғи, катта қоратошли камар ва устида ўсган мўъжизали тугдона дарахти ҳақида қизғин, ҳайратланарли суҳбат бўлди.

Бизнинг устоз билан сўнгги учрашувимиз кинотасмага муҳрланаётганлигини ўшанда билмаган эканман. Ҳар гал устознинг таваллуд куни арафасида шогирдлари йиғилишиб, устоз билан кўпроқ суҳбат қилмаганимиздан, бу дунёнинг ғанимат эканлигидан қалбимда аллақандай оғриқли туйғулар кечади.

Устознинг фоний дунёни ташлаб кетганига мана бир неча йиллар бўлаяпти. Лекин ёзган асарлари билан бирга халқимиз хотирасида мангу яшайди. Бир пайтлар устознинг дилбар суҳбатларини соғиниб, бир шеър ёзган эдим. Хотираларимни ана шу шеър билан тугатмоқчиман.

Бойсунтоғ хафадек, кетдими виқор?
Ногоҳ қиш сайлига кўндими баҳор?
"Эр йигит ўлмас", деб урганича дўқ
Элни ташлаб кетди. Устоз Шукур йўқ!

Йиғлади Бойсунда тоғларнинг тоши,
Эгилди минг йиллик арчалар боши.
"Нотаниш одам"лар, ҳам "Жўрабоши"
Оҳ урар улар ҳам, Устоз Шукур йўқ!

"Динозавр" кетди тошларда изи,
"Ҳаёт абадий" дер "Ўзбек соддаси".
"Кимсасиз ҳовлида" бир "От эгаси"
Хўрсиниб йиғлайди, Устоз Шукур йўқ!

"Ота юрт"да "Бодом қишда гуллади",
"Тоғларга қор тушди",
"Оғир тош кўчди".
"Булут тўсган ой" ҳам самода учди,
"Букри тол" тагида Устоз Шукур йўқ.

"Олабўжи" чиқди "Қора камар"дан,
"Тўрт сатр шеър" аъло
бойлик ва зардан.
"Ўзбек характери" маълум азалдан,
Ўзбекнинг фарзанди Устоз Шукур йўқ!

Ватанда "Озодлик", "Қумрилар сайрар":
"Ора йўлда" қолмас "Яшил Нива"лар.
"Аросат"да қолди армонлар, ғамлар,
Афсус, орамизда устоз Шукур йўқ!

"Оқтош"да "Устоз"ни
"Ҳумор"и кутди,
Ҳижрон соғинчлар-ла "Баҳор"и ўтди.
Бир "Йўловчи" бўлиб
"Сўнгги бекат"ни
Тарк этди-ю кетди.
Устоз Шукур йўқ!

Хидир ЧОРШАНБИЕВ

ЁДЛОВ

ҲАЁТ ГУРУНГЛАРИ

Афсоналардан бири

Деҳқонободда шамол турса, тоғ гумбир-гумбир қилгандай қимирлайди. Ёпирай, тоғам қимирлайдими? Ҳа, униям жони бор. Кўзлари арчалар, тили сой. Кўклам ўртаси ашуласи сел... Дарвоқе, Ургутдаям, Шоҳимардондаям, Сариосиёда ҳам Тоғлар "гапириб" туришади. Айниқса, Наврўз кунлари унга қараб қулоқ тутсанг, табассумини эшитасан...

Тошбийи эна бундан олтмиш йил аввал бир тўда бола-бақрани йиғиб бутун қишлоқни айланиб чиқишни одат қилган экан. "Кўкламни куни тувди. Кунтувди косага сув олиб остонага сепинг. Саҳари Шоҳимардон пиримиди тумларини об учта тилла қиз киради. Бири сабр, иккинчиси ният, учинчиси давлат беради. Рисқ-дан қуруқ қолманг..."

Мактабнинг эски ўқитувчиси, Қудрат бово "Шу Тошбийини ҳеч эси кирмади-кирмади-да, эри ўлиб йигирмасида бева қоп, битта тирноқди зорига шу чўпчагини ҳеч қўймайди..." деб ҳассасини ерга уриб Махсумбовога гина қилади. Ахир эна Махсум бовони опаси-да... Қишлоқнинг домласи, "Кўп айтдим, Тошбийига, бу гапинг мусулмончиликка тўғри келмайди. Уқмайди бу кампир. Отасига ўхшаб ўжар".

Тошбийи момони отаси ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида хўжайинлар "Раисбово, қишлоққа бош бўлиб пахта эктиринг" дейишганда, "Ерларим тоқдан бошқасига ярамайди" деб асти кўнмаган, оқибат тўрт фасли қаҳратон юртга сургун қилиниб, "Уч ойда итчанада совуқда тиррайиб ўлди" деган хабар келган. Шу боши қишлоқда пахтаям экилмаган, қайтанга токнинг каттакатта кушандалари қўпайган.

Ҳа, майли буям қишлоқ гаплари-да. Лекин ора-чорода бир-икки қариликнинг ёшлиги бўсағасига етганлар, "Бобой нотўғри иш қилган, тоқдан бошқасини билмаймиз, пахтакор бўлсак, ҳунаримиз ҳам кўпаярмиди" деб тиррихликдан қайтишмайди. Хулласи, Тошбийи эна отасига тортган бўлса бордир.

Наврўз арафаси Тошбийи энага ишонганлар, каллайиб саҳарлаб остоналарга бир коса эмас, пақирлаб сув сепишади... Очиғи, кўпи келинчак... Тиллақошини бошига қўндириб, қўлларини дуога очиб, "Тошбийи момо айтган қизлар ўйимизга келсин. Бир қиз, бир ўғил..." дея ҳаприқиб кетишади...

Болалар-ку кўзи мўлт. Қирқ-эллик йил бериси ўша учта тилла қиз кўкламда қишлоққа келганини эркаклардан кўрганлар бир-икки, қарийб йўқ ҳисоби. Аммо ўн еттидан олтмиш ёшгача бўлган, келинчаклару аёлларнинг бари "Кўрганмиз" деб оёқ тирашади. Ҳатто эллик тўққиздан ҳатлаган Ойсулув эна "Келинчак пайтим, учови келди, кокилида уч донадан ўрик гули бор эди. Энг кенжаси, хушрўси менга етти ўғил сўра, мен кафил деб кокилидаги ўрик гулини димоғимга теккизганида ҳушимдан кетганман. Кўзимни очсам, ҳовлимиздаги беш йилдан бери гулдан қолган ўрик гуллабди... Етти ўғлимнинг ҳар бири Алпомишдай, ҳуснда Тоҳирдай, ҳаммаси бой-бадавлат" деб қўлларини белига букиб катталикдан қолмайди... "Ўғилларимга тегаман деб неччи қиз ёқа йиртди. Биласизлар-а" деб керилади.

Қишлоқнинг қайси ҳовлисига кирманг, тўрида ўрик. Битта келин тушган бўлса битта, учта бўлса учта. Ҳаммасини келинчаклар экишган. "Товба" дейсан. Эрини хизматини қилади-ю, чип этиб ўрик дарахтига қараб чопади бари. Нима эмиш, ўша қизлар ҳовлига келганда келинчак экkан ўрик дарахтидан гул олиб кокилига тақса хосияти кўпроқ бўлармиш. Бир-икки йигитлар ғазаби қайнаб, Тошбийи энани олдига "Бу нимаси" деб боришганда, Тошбийи эна "Хотинларингнинг юрагини дарахтга бериб ўтирган бўлсанглар, ўзларинг айбдор", деб овозини баландлатган экан, йигитлар дам бўлиб, бошларини хам қилиб ортга қайтишибди.

Яна бир воқеа. Содиқ полвон келинчаги саккиз йилдан буён Ўрикка ишқ қўйганидан рашки қайнаб, бир ярим тун аррани олиб дарахтни қоқ белидан арралаганида хотини тап этиб йиқилибди. Касалхонага борса, учта қиздан сўнг, тўртинчи фарзанди ўғил туғилибди. Шу-шу қизи кўпайганларга, кайфи ошса дарахтни арралашни маслаҳат беради. Аммо орқасидан қўшиб қўяди, "Ўғилни одам қилганча эсим кетди. Етти йил касалдан боши чиқмади".

Тошбийи эна ўтган йил кўкламда янги гап чиқарди. Энди пиримди қизлари ҳар йили биттага кўпайиб келади. "Нимага" деб сўрашса "Ёруғликда тилла қизлар тез кўпаяди. Энди Моҳтоби қиз, Офтоби қиз, Буғдой қиз, Ҳосилот қиз, Бахт қиз яна қанча-қанча яхшилари қўшилиб келади", дейди.

Бу йили Наврўз арафаси келинчаклару, бола-бақра, бобойлару момойларда кайфият бошқача. "Ҳа, Тошбийи эна қурмағур, гапди боплайди, лофиям, чўпчагиям ғалати", дейишади-ю, лекин ярим кеча келинчакларнинг пақирига сув солиб қўйишни ўйлашади. Тонг бўзарган маҳал "Тошбийи эна айтгандай маводо бир тўда тилла қизлар келиб қолишса-ю, сув сепилмаган бўлса..." деб хавотирланишади ҳам.

Тошбийи эна бўлса хурсанд. "Энди қишлоқ Ўрикзор бўлади. Ҳар ҳовлида ҳар йили биттадан экилса, қандай яхши. Ахир ўрик гулидай чиройли гул борми дунёда. Йўқ."

Ў, биродарлар. Бу бир чакки-чутти қишлоқнинг гапи. Инонсанглар ҳам, инонмасанглар ҳам менга барибир. Доно донолигича, нодон нодонлигича, хаёлпараст хаёлпарастлигича қолиб кетаверади. Мен эса яшириб нима қиламан, Тошбийи энага сал-пал ишонаман. Ҳар сафар Ўрик гуллаганда унинг шоҳларига қарайман, шунда тумонат тилла қизларнинг қаҳ-қаҳаси янграгандай бўлади. Хаёлимда улар Сумалак қайнаётган қозонлар атрофида тўпланиб Жаннат таомини пиширишга келгандай... Эналаримизга, опаларимизга, аёлларимизга, сингилларимизу қизларимизга қўшилиб Наврўзнинг ақл бовар қилмас, бироқ инсон руҳига қанот бағишлайдиган, уни осмон билан яқинлаштирадиган афсоналарини бирга давом эттирадигандай туюлаверади.

Абдували КУТБИДДИН

МУТОЛАА

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Кул остидаги қўр

Журналистликка сиртдан ўқиб, Фарғона вилояти радиосида ишлаб юрган пайтимда болаларга аталган иккинчи шеърий тўпламим нашр этилди. Кўп ўтмай, касбдошларимдан бири хонамга кириб келиб: "Сизни классик қилворишибди-ку, ювайлик", дея қўлимга газета тутқазди. Газетани олиб, Маҳмуд Сатторов деган мунаққиднинг тақризини ўқишга тушдиму, юрагим тобора такапука тепаверди. Умримда кўрмаган одамим шеърларимни шунақанги самимият, шунақанги жўшқинлик билан таърифлаган эдики, бу китобнинг муаллифи ўзим эканимга сира ишонгим келмасди...

Маҳмуджон билан Тошкентга ишга келганимдан сўнг таништим. Ўйлаб қарасам, орадан ўттиз йилча вақт ўтса-да, чамаси ҳануз ўша таниш-билишчилик мақомида юраверган декмиз. Бир куни миллий удумларимизнинг зукко билимдони, Наврўз ва бошқа байрамларимиз ҳақида тадқиқот яратган олимнинг "Кул остидаги қўр" деган китобини ўқиб кўрдиму, бирданига уни яқиндан танигандек бўлдим.

Бу китоб жуда бошқача туюлди менга. Бошқачалиги шундаки, китоб турли шахслар ҳақидаги эсселар тўпламидан иборат бўлса-да, муаллиф худди яхлит бадиий асардаги каби, уларни бир ипга маржондек бирлаштира олган, ўзи олдиндан кўзлаган бир мақсадга хизмат қилдира олган. Мақсад эса шу — одам боласи дунёга келиб неларни кўрмайди, неларни эшитмайди, кимларга йўлиқмайди. Ёш ўтган сайин, буларнинг қанча-қанчаси эсдан чиқиб, мия хужайраларида кулга айланади, энг таъсирлиларигина ёдда қолади, улар кул уюми устидаги ора-сира чўғларга ўхшаб ҳамон бозиллаб тураверади. Шулардан таралаётган ҳароратни нега энди бошқалар билан баҳам кўрмаслик керак?

Хотира ёзиш, катта-кичик кимсалар ҳақида очиқ гап айтиш қийин иш. Ўзгаларникига ўхшамаган қилиб ёзиш ундан ҳам мушкул. Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Асқад Мухтор, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Миркарим Осимдек номдорлар ижоди ва ҳаёти тўғрисида кўплаб мақолалар ёзилган бўлса-да, аксариятида расмийлик бўртиб турарди. Маҳмуджон эса ўз қаҳрамонларига кундалик икир-чикирлардан, турли кўринишдаги "ўзбекчилик"лардан ажраб қолмаган эл қатори инсон, оддий гурунгдош сифатида ёндоша олган. Натижада, уларнинг кўпчиликка маълум бўлмаган янги-янги фазилатларини моҳирона очиб берган, муҳими — ўқувчини ўз гапига қизиқтиришга муваффақ бўлган.

Китобнинг қимматига қиммат қўшувчи жиҳатлари кўп. Бири юртимиз фан ва маданиятини юксалтириш, бири муқаддас анъаналаримизни, буюк аждодларимизни кўнглимизга янада яқинлаштириш, бири миллий ғуруримизни кўтариш йўлида улкан хизматлар қилган, баъзилари беихтиёр эсимиздан чиқиб бораётган талай ардоқли зотлар тўпламдан муносиб ўрин олгани кишининг кўнглини яшнатади. Жадидчиликнинг тенгсиз билимдони Бегали Қосимов, кўҳна маънавиятимиз хазиначилари Азиз Қаюмов, Шорасул Зуннун, Субутой Долимов, мантиқ бўйича миллий дарсликнинг илк муаллифи Музаффар Хайруллаев, ҳассос таржимон Асил Рашидов, педагогика фани фидойиси Раҳима Мавлонова-лар фаолиятига бағишланган эсселар самимиятга йўғрилганлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Гоҳ кичик бир воқеа тафсилоти, гоҳ бир-икки жумла орқали Наримон Ҳотамов, Ўсарали Нишонов, Маҳкам Маҳмудов, Наим Ғойибов, Абдурасул Ғафуров, Сайди Умиров янглиғ устозларимизнинг одамийлик хислатларини яққол очиб бера олгани ҳам муаллифнинг қаламкаш сифатида аллақачон пишиб-етилганидан далолат беради.

Маҳмуджон табиатан ўта андишали, айни чоғда, дангалчи ҳам. Дангалчилиги — бирон асарни ёқтирмаса, очиқ-ойдин "ёқмади" деб қўя қолади. Андишалилиги — бу асарни матбуотда атайин "дўппослаб" ўтирмайди, ичида "баттар бўл" деб қўяверади. Аммо бирон асар манзур бўлиб қолдими, асосий фазилати нимада эканлигининг тагига етмагунча, кўнгли тинчимайди.

Ундаги ушбу хусусият айниқса, «Ҳазрат Соҳибқирон» роман-эссеси юзасидан билдирилган фикрларида ёрқин намоён бўлган. Ўқувчида шонли тарихимиздан фахрланиш туйғусини алангалатишга хизмат қилувчи бу романнинг шу мавзуда битилган бошқа асарлардан фарқи ва афзалликларини бешта асосий янгилик мисолида беҳад ўринлатиб таҳлил қилиб берган. Четдаги ғаламислар қолиб, ичимиздаги айрим кимсалар ҳам Темур бобомизни ҳануз «бузғунчи»га йўйиб, қалам пули ишлаётганидан муаллифнинг ижирғаниши эса унинг ўз миллатига садоқатидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, Навоий бобомиз:

Қани Темур — шаҳи исломпаноҳ
Ки жаҳон олди, чекиб ҳайли сипоҳ —

деб улуғлаган Амир Темурдек ҳазратни қайсидир юртдошимиз назарга илгиси келмаётган экан, унинг кўҳна Туркистон тупроғида ўқтомири борлигига ишониш қийин.

Тоғай Мурод шахси ва ижоди ҳақидаги туркумни ҳам чуқур тадқиқотлар қаторига қўшиш мумкин. Мен "Танланган шеърлар" китобимда Тоғай Муродга бир шеър бағишлагандим. Бир танишим буни ўқиб: "Тоғай билан қалинмидинглар?" — деб қолди. Умримда у билан улфатчилик қилмаганман, ёзганларини ёқтирганим учун шеър бағишлаганимни айтсам, танишим ҳайронланиб елка қисди. Тоғай, чиндан-да, ўхшаши йўқ адиб эди. "Кул. остидаги чўғ"даги туркумни ўқигач, бу ўхшаши йўқлигининг асосий сири нимадалигини ниҳоят таг-тагигача англаб етдим. Шу дамгача Тоғайнинг асарларига Маҳмуджон бўлиб назар сола олишга қурбим етмаганини тан олдим.

Китобни ўқиб, муаллиф ким ҳақида қай услубда ёзган маъқуллигини олдиндан пухта ўйлаб олганини сезиб олиш қийин эмас. Малик Муродов ва Нормурод Нарзуллаевга аталган эсселар қаҳрамонларнинг характерини ҳаққоний тасвирлаб беришга ўта қулай йўл танланиб, мутойибаларга йўғрилган тарзда битилган. Мен бу иккала зотни ҳам яхши билардим, шу боис Маҳмуджондаги топқирликка "беш кетиш"га асосим бор. Айниқса, Нормурод ака билан узоқ вақт бирга ишлаганмиз. Ҳар бир вазиятдан келиб чиқиб, мақол-маталлар тўқиб ташлашга ҳаддан зиёд уста эди.

Ўзбек болалар адабиётини босқичларга бўлиб таҳлил қилиб бериш, ҳар бир даврнинг етакчи, кашфиётчи адибларига ҳаққоний баҳо қўйиб чиқиш ишлари ҳануз қиёмига етмаган, бу соҳанинг фидойилари бармоқ билан санарли даражада камайиб кетган бир пайтда Маҳмуджондек ўткиркўз ва тўғрисўз мунаққид кичкинтойлар даврасига бегоналашиб бораётгани боис ундан ўпкалангандек, аразлагандек бўлиб юрардим. "Кул устида чўғ"ни ўқиб, аразим тарқагандек бўлди. Фарзандларимизга айнан шунақа китоблар ҳам зарур, ҳурматга лойиқ юртдошларини улар таниб олишсин, ўшалардек элда ардоқли бўлишни орзу қилишсин.

Шундай деб ёздиму, барибир: "Эй, Маҳмуджон дўстим,болалар адабиётига қайтинг!"— дея наъра тортгим келяпти. Ахир бу соҳада янгидан-янги ёш қаламкашлар пайдо бўлмоқда, уларни изчил кузатиб, кўнглини кўтариб турадиганлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Улар ҳам мен бир маҳаллар "раҳмат" эшитиб қувонганимдек қувонишларини, кимдир уларни қувонтириб туришларини истардим...

Маҳмуджон инсон хотирасини кул устидаги чўғ деб тасаввур қилган бўлса, мен камтарингина Маҳмуджоннинг ўзини кул остидаги қўрга ўхшатгим келди — унга яқин борсанггина тафтини сезасан. Ҳа, ёзувчининг қалб тафти нечоғлигини унинг китобига "яқинлашганингдан" кейингина пайқайсан. Юрак қўридан яратган асар, буюртма ёки бирон илинж билан битилган "совуқ китоб"ларнинг акси ўлароқ, иссиққина бўлади.

Маҳмуджоннинг китоби қўлимни куйдирди.

Каттақўрғон тиббиёт касб-ҳунар коллежи жамоаси
юртдошларимизни муқаддас она заминимизга ажиб гўзаллик ва бетакрор латофат ила кириб келган Наврўз байрами билан қутлайди.

Баҳор шукуҳи қалбларимизни нурафшон этаверсин!

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

Дунёдаги энг гўзал *Севги Достони*

(Бошланиши 4-бетда.)



Муборак Саидносир қизи: «Ижарада турардик. Ўшанда дадам Ойбекнинг «Навоий» романи учун материаллар олиб келардилар. Бозорга бориб, қўлёзмалар олиб келардилар. Анча фойдаланганлар. Сургундан «Болалар ўқишсин» деб ойимга хат ёзардилар. Ойим еттита қиз туққанлар. Бувим ўғлимнинг ўғли йўқ, деб ўкинсалар, дадам «шулар ўқиса, ўғилнинг ўрнини босади» деганлар».

Ўша кунлардан бирида душманлар атай Зарифа опани ҳам ишдан ҳайдатишга муваффақ бўладилар. Энди Ойбек ҳам, Зарифа опа ҳам ишсиз эдилар. Уч бола, Зарифанинг онаси, сингиллари, Ойбекнинг отаонаси ҳаммаси уларнинг қарамоғида эди. Шунда Зарифа Марказкўмга ариза берди, прокуратурага шикоят қилди ва бу ишлар ноҳақ ишлар эканини билдирди.

Наим Каримов: «У Ёзувчилар союзидан ўчирилган. Қамоқ олдида турган Ойбекнинг ягона таъминлайдиган одам Зарифа опанинг маоши бўлган.

Бир куни Ойбекнинг қорни очади ва Зарифа опадан емак сўрайди. Зарифа опа озгина кепакни ёғда қовуриб берадилар. Егиси келмайдими ёки болаларига асрайдими, қўйиб қўяди. Шундай пайтда қандай қилиб «Қутлуғ қон»ни яратишга куч топди деган савол туғилади, шубҳасиз. Ойбек «Ҳали бир куни Сталин зулми тугайди, шунда мен халқимнинг олдига бўш қўл билан бораманми?» деган эканлар.

Зарифа Саидносирова: «1939 йилнинг 3 апрелида тўртинчи фарзандимиз Суюнбек туғилди. Халқ орасида уй қуриш ишлари бошланди. Ишчилар шаҳарчасидан ер олдик. Мен уй тархини чиздим, Ойбек икковимиз маслаҳат ила уй қура бошладик. Қўлимизда акча йўқ, дўкон ва омборларда қурилиш материаллари тахчил. Шунга қарамай, уй қура бошладик. Қурилишнинг проработ ҳам, инженери ҳам ўзим. Ғиштларнинг ҳисоби ҳам менда, уста билан ҳисобкитоб ҳам менда.

1940 йилнинг 30 декабрида Ишчилар шаҳарчасидаги янги уйга кўчиб келдик».

1940 йилда Ойбек «Қутлуғ қон» романини эълон қилди.

1941 йил сўнгги йиллрда оғир иқтисодий аҳволда юрган оилага пул тушгач, китобга қалам ҳақи олган кунлари Аброр Ҳидоятов театри яқинида жойлашган чойхонадан бир бочка пиво сотиб олиб, ҳаммани эрталабгача меҳмон қилган эканлар.

Шундан кейин ёзувчининг ижодига озгина йўл очилади. Уни Ўқув Педагогика институтига ишга олишади. Сал ҳаётлари изга тушади. Анчадан буён Навоий ҳақида асар ёзмоқчи бўлган эканлар. Лекин тўсатдан уруш бошланиб қолиб, иш тўхтаб қолган.

Зарифа Саидносирова : «1941 йил ёзи... 22 июль якшанба. Эрталаб нонуштада болаларни олиб бирор курортга борсакми, деб ҳисоб қилдик. Ойбек сартарошхонага чиқиб кетди. Мен ойимникига чиқдим. Бўсағада мени ойим ранг – қути ўчган, титраб-қақшаб кутиб олди: «Уруш! Уруш бошланибди! Қандай офат!» деди у. Ойбек ҳам бу хабарни эшитиб югурган экан».

Ўша кунлари оила бир пайтлар олган катта гиламни сотиб, қўй олдик, бир атлас кўрпани, яқинда сотиб олинган тилла узукни сотдик. Гавҳар тошли исирға ўн олти шиша зиғир мойига алмаштирилди.

Инсон ҳар қандай қийинчиликларни кўтарар экан. Ойлар, йиллар ўтса ҳам, ҳаёт яхшиланиш ўрнига тобора оғирлашиб борарди. Очликдан ўзимиз ҳам, болаларимиз ҳам ўлмаслиги учун нималарни қилмадик. Ойбек ана шундай мушкул бир шароитда «Навоий» романини ёзиб тугатди.

1942 йилнинг декабрида Ойбек бир тўда артистлар билан бирга фронтга жўнади. Биз вокзалда хайрлашиб қолдик. Улар Москва остоналарида жанг қилаётган ўзбек аскарлари билан учрашувлар ўтказишлари ва уларга совға-салом олиб боришлари керак.

«Зарифа!

Мен ҳали ҳам Москвадаман. Соғсаломатман. Иссиқ кийинганман. Иссиқ қўлқопчалар сотиб олганман. Эҳтимол эртага бизни Ғарбга жўнатсалар керак, шунинг учун мени ҳали кутиб ўтирманг.

Менинг севикли болаларим яхшими? Касал бўлиб қолишмаяптими? Бекжон ўқишга боряптими?

Омон, Бекжон, Суюн, Гулранг яхшими?. Барчангизни қучиб, ўпиб қоламан. Ойбек».

Зарифа Саидносирова: «1944 йил Ҳамид Олимжон бевақт вафот этгач, Ойбекка бир неча даъфа уюшма раислиги вазифаси юклатилди. Шундай қилиб, Ойбек энди академиянинг гуманитар бўлимига раҳбар, Ёзувчилар уюшмасига раис, «Шарқ юлдузи» журналига муҳаррир эди.

Ўша даврда бирдан менинг тобим қочиб қолди. Юрагим заифлик сезиб, ётиб қолдим. Докторлар туришга ижозат бермадилар. Каравотим олдида кресло турарди: Ойбек ишдан қайтгач, шу креслода, ёнимда ўтирарди. Бир куни у хаёлчан ўтиргач, қўлимни қўлига олди.

Зарифа, — деб гап бошлади у. — Бобурнинг ўғли Ҳумоюн қаттиқ хасталанганда, Бобур ўғли атрофидан уч марта айланган ва Тангрига ялинган, «Ўғлимнинг хасталигини менга бер! Унга саломатлик ато қил!» деган. Мен ҳам шу топда хасталигингни ўзим олиб, сенинг соғ бўлишингни ихлос ила тиладим. Кўнглимдаги ёлғиз муддаоим шу!

— Йўқ, йўқ, зинҳор бу тилакдан воз кечинг! Ўтинаман, ранжитмангиз мени, — ўпкам тўлиб кетган эди. Шунинг учун ҳам бир нафас ўзимни босиб, давом этдим. — Соғман, сизга берадиган хасталигим йўқ!

Ойбекнинг меҳр тўла кўзларида табассум учқунлар эди. Кўнгилларимизда тотли туйғулар... шунинг учун ҳам ортиқ сўзлашга эҳтиёж йўқ эди...

• «ЧУМОЛИЛАРГА ЕМ БЎЛГАН ФИЛ»

Ойбек ва Зарифа Саидносированинг 50-60-йиллардаги ҳаёти ва ижоди ҳам қарамақарши воқеалар билан бой. Тўғри, бу йилларда Ойбек мамлакатнинг энг катта мукофотларига сазовор бўлди. У шу йилларда минбарларнинг тўрида ўтирди. Лекин худди шу йилларда у оғир хасталикка дучор бўлди. У гапиролмай қолганди.

Озод Шарафиддинов: «1946 йили «Навоий» романи мамлакатдаги энг юксак адабий мукофот билан тақдирланди. Ўша давр таомилига кўра, бундай асарлар мутлақо танқид қилинмасди, чунки ҳар қандай танқид «халқлар доҳийси»га тегиб кетиши мумкин эди. «Навоий» романи ҳам аввалига 3-4 йил ҳамма жойда мақтаб, кўкларга кўтарилди. Совет мафкураси мунофиқ мафкура эди. Ойбекнинг обрўйини кўролмасдан унга қарши фитна уюштиришди. Русларда «Вўсосал из пальца» деган мақол бор. Кейин эса бирданига булутсиз осмонда чақмоқ чақнагандек республика газетасида Ботир Файзиевнинг «Навоий» романи ўтмишни идеаллаштирувчи асар деган мақоласи чиқди.

Бинойи деган ўртамиёна шоир доим Навоийга ҳасад қилган. Бу муносабатларни бир миллатни иккинчи миллатга қарши қўйиш деб талқин қилишган. Ойбек ўтмишни идеаллаштираётибди, деган баҳоналар қўйишган Шундан кейин 1952 йилда партиянинг X пленуми бўлиб ўтди. ЎзКП МКнинг X пленумида МК биринчи секретари Ниёзов деган одам доклад қилган ва ёзувчиларнинг пўстагини қоққан. Тақриз ҳам аслида уюштирилган эди. Уюштирган одамларнинг ўзлари панада қолишган.

Ойбек бунга чидолмайди. Инсульт бўлади».

Ўша куни 1951 йил 16 апрель эди. Ойбек ва Зарифа опа Москвадан «Олтин водийдан шабадалар» романини таржима қилиш учун Москвадан келган Сергей Бородин билан бирга суҳбатлашгач, кечки овқатга тушадилар. Дастурхон атрофида йиғилган бир гуруҳ шогирдлар даврасида Ойбекнинг тўсатдан тилдан қолгани маълум бўлади. Дарров поликлиникага борадилар. Шифокорлар уни зудлик билан касалхонага ётқизиш кераклигини айтадилар. Бу Ойбекнинг биринчи марта хаста бўлиши, биринчи марта шифохонага бориши эди.

Рамз Бобожон хотираларидан: «Ойбекни дарров касалхонага ётқазишди. Қайсидир ёзувчи унга бир қоғозга ўралган олча олиб борибди. Ўшани еб, газетани очиб қолибдилар-да тўсатдан. Қарасалар, ўша Ботир Файзиевнинг мақоласи ўралган газета экан. Бу ишни айтинг, ким қилади: дўст одамми ёки душманми?»

Ойбек ўша йиллар қуйидаги сатрларни ёзган эди:

Хастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб –
Ой менга ҳамқадам — сокин юрамен.
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.
Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур менга ҳамқадам.
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам...

XX аср ўзбек миллатининг энг яхши вакиллари ташкил топган бу оила тақдири лавҳаларини кўз ўнгингдан ўтказганингда, баъзи саволларга дуч келасан, албатта:

Буларнинг биринчиси: эл юрти учун курашларнинг олдинги сафларида юрган кишиларнинг коммунистик қатағон тўрига илинганларида нега уларни дўстлари, ҳамюртлари ҳимоя қилмадилар?

Иккинчиси: мафкуранинг ўйинлари қолиб, шогирдлари, дўстларининг ўзлари Ойбекнинг кўнгил кишиси, нозик туйғулар соҳиби эканини била туриб, унинг асарларидан "хато" топишга, унга ўз қўллари билан тош отишдан тийилмадилар?

"Ойбек" номли хужжатли фильмда бир лавҳа бор. Ойбек ижодхонасига зиналардан кўтарилиб бориб, китоб жавонидан қадимий бир китобни олиб, мутолаага тутинади.Оддий томошабин ҳам унинг қўллари, бармоқларида куч йўқлиги, сўзлашиш имкониятидан махрумлигини сезиши қийин эмас. Лекин муҳими,бу эмас. Муҳими — Ойбекнинг кўзлари. Бу кўзларда ҳаёт тўфонлари, бўронларига дош бериб, енгилмаган одамнинг нигоҳи акс этган.

Бу кўзларда енгилмаган руҳнинг ҳарорати бор эди.

...1968 йилнинг 1 июлида Ойбек вафот этди. Бу йўқотиш нафақат Зарифа опа, унинг фарзандлари, балки бутун ўзбек халқи, ўзбек адабиётининг йўқотиши эди.

Ҳамиша болаларига «Ойбекдек ажойиб отангиз бор... Демак, бизнинг заррадек ғамимиз йўқ. Биз бахтлимиз!» деб юрадиган Зарифа Саидносирова ўша дамларда фарзандларига шундай деди:

«Назаримда азиз бошига тушган минг хил азоблардан, тинимсиз ишдан ва ижоддан чарчаган Ойбек ўлим тўшагида эмас, балки юмшоқ дивандa хордиқ олиб ётарди.

— Болаларим, тегманг адангизга! У хордиқ олиб ётибди! У ўлмаган ва асло ўлмайди...

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА

ҚАДР

Бешиксозлик гурунги

Гўдакдан ҳаёт иси келади, дейишади. Шундай гўзал ифорни ўзида парваришлайдиган бир тилсим борки, уни ўзбеклар бешик деб атайди. Моҳир бешиксозлар эса ҳар доим халқ эътирофида бўлган. Уларни юрт миллий маданиятимиз давомчилари, дея кўкка кўтарган.

Бугун ҳам бу касб эгалари эл ардоғида. Пойтахтимизнинг Зарбдор маҳалласига меҳмон бўлиб, Мирсоат уста ҳақида сўрасангиз, у кишини ҳамма танийди. Етмишни қоралаган бўлса-да, ҳануз қўлида асбоби билан ота касбини фарзандларига, қолаверса набираларига ҳам ўргатиб келаётган, қайсидир маънода шу ҳунарнинг бардавомлиги учун ҳам бевосита хизмат қилаётган отахондан бешиксозликнинг сир-синоатлари ҳақида сўрадик.

— Отам (Мирилёс уста дейишарди) катта ҳунарманд бешиксоз бўлганлар. Ўз навбатида отамга ҳам бу касб бобомдан мерос. Ўша пайтлар ҳовлимизда кишилар буюртма учун навбатда туришарди. Айниқса, аёлларга урчуқ, чарх жуда зарур бўлгани учун (унда ҳозиргидек темирдан ясалганлари йўқ эди-да) бундай дастгоҳларга талаб катта бўларди. Ўшанда отам битта урчуқни қирқ тийиндан сотганларини эслайман. Ҳар ҳолда тирикчилигимиз ҳам шу ҳунарнинг орқасидан бўлган. Мен ҳам қонда борлиги учунми, бешикчи-усталик қилиб кам бўлмадим. Учта ўғлимни уйли-жойли қилдим, иккита қизимни узатдим. Бугун набираларимга ҳам шу ҳунарни ўргатиб келаяпман. Айниқса, ўн тўрт ёшли набирам Дилмуроджон жуда мўминқобил, ақлли, қизиқувчан бола чиқди. Ҳозирнинг ўзида ҳар қандай бешикни дадасидан қолишмай ясай олади. Шу набирам ўзимга ўхшади, кўз тегмасин, — деди Мирсоат ота набирасининг ўз ишини давом эттира олишидан руҳлангандай бўлиб.

Чиройли ганжлар билан безатилган бешикларни томоша қилар эканман, оддий ёғочдан ҳам шундай мўъжиза ясаш мумкин эканлигидан ҳайратда қоламан. Отахон эса ҳайратимни сезгандай, бешик ясаш жараёни ҳақида гапира бошладилар:

— Отам ҳалол меҳнат қилишга ўргатардилар. Агар ясаган бешигимдан битта нуқсон топсалар, ҳеч иккиланмай қайтадан ясашимни айтардиларки "Шунча меҳнат қилганингга яраша беайб ишла. Агар ясаган бешигингда битта тилинган ёки ёғочнинг кўзи тушган жойи бўлса, шу биргина айб усталик шаънингга доғ бўлиши мумкин. Бундан ташқари енгил ишлашга ўрганиб қоласан, ясаган нарсаларинг ҳам сотилмай тураверади", дердилар.

Уста бешикчи уста Мирсоат ота набираси Дониёржонга касб сир-асрорларини ўргатмоқда.

Олдинлари отам билан бирга роса уринсак, уч-тўрт кунда битта бешик ясай олардик. Чунки у пайтлар ҳозиргидек, асбоб-ускуналар йўқ эди-да. Ҳамма иш қўл кучи билан бажарилларди. Ёғочнинг бир учини деворга, бошқа учини кўксимга тираб, текислар эдим. Тўғри, оғир меҳнат талаб қилинарди, аммо тоза мустаҳкам бешиклар ясардик: Ҳозирги шароитда эса ёғочга ишлов бериш учун ҳамма техник асбоблар бор. Бир кунда иккита бешик ясаш ҳам мумкин.

Дўконда сотиш учун териб қўйилган бешикларнинг ҳар бирига безаги кўзни қамаштиргудек чиройли матолардан ёпқичлар, духобадан эса чоки равон кўрпачалар тикилган. Отахоннинг айтишларича, бешикни оила аёллари безатишади. Ҳозир ҳам бувимиз келинлари билан ичкари уйда тикиш қилиб ўтиришган экан.

Биз турган дўконга бир аёл кириб, ҳовлисида тут дарахти борлиги, уни кестиришаётгани ҳақида айтганда, Мирсоат ота манзилини сўраб олдилар. Мен эса унинг нега керак эканлиги билан қизиқдим:

— Энг мустаҳкам бешиклар тут дарахтидан ясалади. Тол ҳам яхши дарахт, лекин тутнинг ёғочига қурт тушмайди, ўзидан умуман ҳид чиқармайди, жуда мустаҳкам бўлади. Шунинг учун иложи борича тутдан бешик ясаймиз. Бундай бешик жуда харидоргир бўлади.

Отахоннинг сўзларини тинглар эканман, момомнинг ўнта фарзандини бир бешикда улғайтириб набираларини ҳам ўшанга белаганлари ҳақида айтганларини эсладим. Ҳақиқатан ҳам, бешикда ҳикмат кўп, бешикда хосият бор.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ «ЖУМА ЭЛЕВАТОР» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини баҳор ва янгиланиш айёми — Наврўз билан чин қалбдан табриклайди.

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ХАЛҚИМИЗ ҲАМИША ОМОН БЎЛСИН!

КУЛГИ

"Шифокоримиз бўлмаганда..."

НИМА ЕТСИН?

— Дафтарингизга қараб юборсангиз, қарзим қанча бўлибди? — сўради ароқхўр, сотувчидан.

— Дафтарни йўқотиб қўйдик, инсоф билан қайтараверинг.

— Мен шунчаки аниғини билмоқчи эдим— қарзим бормиди ёки йўқми, ҳеч эслай олмаяпман.

— Бекорга сўрамаётгандирсиз?

— Тўғри айтдингиз, ҳеч кимдан қарз эмаслигингни билиб яшашга нима етсин, оғайни?

БЕЧОРАЛАР

— Дада, қандай қилиб сигарет чекишга ўрганиб қолишади?

— Жуда осонлик билан, ''қани, бир чекиб кўрайчи, қанақа бўларкин?'' деб.

— Энди у бечоралар қандай қилиб бу балодан қутулишади?

— Мана буниси жуда мушкул иш, ташлаб юборишга ҳамманинг ҳам иродаси бардош беравермайди.

— Тўғри айтдингиз дада, билар экансиз, — деди бола бироз ўксиниб.

АҲВОЛИ НЕ КЕЧАРДИ?

— Турмуш қурсак, иккита фарзандимиз бўлади, — деди қиз.

— Бирини зўр боксчи қилиб тарбиялаймиз, —қўшимча қилди йигит.

— Иккинчисини шифокорликка ўқитамиз, —деди қиз қатъий ва кўзига ёш олди.

— Нега йиғлайсиз, жоним? — сўради йигит ҳайрон бўлиб.

— Шифокоримиз бўлмаганда, боксчимизнинг аҳволи не кечарди?

ТАНИШ

— Ўғлингиз институтга кирдими?

— Йўқ, физикадан йиқилди. Ўқитувчи: «Ньютон билан мутлақо таниш эмассиз», — дебди.

— Кўрдингизми, танишсиз ўқишга ҳам кириб бўлмайди.

БОШ ОҒРИҚ

— Сиз билан суҳбатлашиб анча енгил тортдим, бошимнинг оғриғи ҳам йўқолди,—деди эзма киши юрагини бўшатиб бўлиб.

— Бошингизнинг оғриғи йўқолгани йўқ, у менга ўтди.

Толиб ҚАНОАТ

СПОРТ

ҒОЛИБГА РОЙ ЖОНС ДАЪВОГАР

Жорий йилнинг 12 апрелида АҚШнинг Флорида штатида IBF йўналишининг ярим оғир вазн чемпиони, маҳаллий боксчи Клинтон Вудс билан худди шу вазн ва йўналиш камари соҳиби Антонио Тарвер ўртасида жанг бўлиб ўтишидан кўпчиликнинг хабари бор. Ушбу учрашувда ғолиб бўлган спортчига қарши собиқ жаҳон чемпиони Рой Жонс рингга чиқишга тайёр эканлигини маълум қилди. Ёдингизда бўлса керак, у 2002 йилда америкалик чарм қўлқоп устасини техник нокаутга учратиб ғалаба нашидасини сурганди. Рой Жонснинг фикрича, шу кунгача Вудс бир қатор кучли рақибларини мағлуб этди. Айни кунларда эса у яхши спорт формасида ва у 38 ёшли Тарверни ҳеч қандай қийинчиликсиз мағлубиятга учратишга қодир.

– Бўлиб ўтилиши кутилаётган мазкур олишув шиддатли ва қизиқарли кечишига ишончим комил, – деди у берган интервьюсида. – Мен Вудс ва Тарвер ўртасида кечган жанг ғолиби билан муштлашиш билан биргаликда қайтадан чемпион бўлишни жуда хоҳлаяпман.Бу гал ҳам ғолиб бўлишга имкониятим етади деб ўйлайман.

КЛИЧКО НИГЕРИЯДА МУШТЛАШАДИ

WBC версиясининг амалдаги жаҳон чемпиони нигериялик боксчи Сэмюэл Питернинг промоутири Дино Дува украиналик чарм қўлқоп устаси Виталий Кличко вакиллари билан икки спортчи ўртасидаги бўлиб ўтадиган учрашув Нигерияда ўтказилиши борасида келишиб олганини маълум қилди. Агар ҳаммаси кўнгилдагидек бўлса, кутилаётган жанг Африка тарихида энг катта спорт воқеаси бўлишини эса кўпчилик эътироф қилмоқда. Қолаверса, бу Питернинг олишувда ғалаба қозониши учун ажойиб имконият эканлигини ҳам қайд этишимиз мумкин.

ЖИДДИЙ РАҚИБ

Бугун Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йилда футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш доираси баҳсларининг иккинчи турида майдонга тушади. Унда вакилларимиз саудиялик азалий рақиблари билан ўзаро куч синашади. Эслатиб ўтамиз, ўйин пойтахтимиздаги МҲСК стадионида маҳаллий вақт билан 16^{00} да бошланади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

HURRIYAT
O'zingni anglat!
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим Рўзиев

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.35

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-254 Адади: 8010 1 2 3 4 5 78